

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

21-сон  
(1145)  
2024 йил  
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

162. «Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ–80-сон Фармони
163. «Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 майдаги ПҚ–183-сон қарори
164. «Тадбиркорлик субъектларига субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларни тақдим этиш тартибларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПҚ–193-сон қарори

**Бешинчи бўлим**

165. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 22-apreldagi 11/2-son “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralalar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 20-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2696-4*)
166. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 24-apreldagi 13/1-son “To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarning to‘lov tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda raqamli texnologiyalar vositasida sodir etiladigan huquqbuzarliklarni oldini olish choralarini ko‘rish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 21-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3513*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳукукий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **162 Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармони ижросини, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, уларга кўрсатилаётган давлат ва ҳуқуқий хизматлар кўламини кенгайтиришда адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш мақсадида:

1. Кўйидагилар адлия органларининг қўшимча фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

аҳолининг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўриб бориш;

жойларда аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

фуқароларга бепул бирламчи юридик ёрдам кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда уларга методик ёрдам кўрсатиб бориш.

2. Адлия органлари фаолиятини ҳудудларда самарали ташкил этиш ҳамда ҳуқуқий хизматлар қамровини янада ошириш мақсадида туман (шахар) адлия бўлимларига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

жойларда аҳоли томонидан кўтарилаётган долзарб муаммоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун ҳар ойда маҳаллаларда «Адлия куни» тадбирларини ўтказиш. Бунда олис ҳудудлардаги маҳаллаларда ҳар ойда камида икки матораба сайёр давлат хизматларини кўрсатиб бориш;

ўйма-үй юриш ва «Ҳуқуқий кўмак» акцияларини ўтказиш орқали фуқаролар кундалик ҳаётида аниқланадиган ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

«маҳалла еттилиги»га қонунчилик ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини оддий ва халқил тилда етказиш, шунингдек улар томонидан «Online-mahalla» платформасига киритилган аҳолининг кундалик ҳаётидаги ҳуқуқий масалаларга оид муаммоларини ҳал этиб бориш;

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 майда эълон қилинган.

аҳолига, аввалимбор «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ҳамда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимиға киритилган фуқароларга бепул бирламчи юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

ёшлар, хотин-қизлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни, шунингдек тадбиркорлик субъектларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялар, субсидиялар, грантлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турлари ҳамда улардан фойдаланиш тартиби ҳақида хабардор қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда уларга методик ёрдам кўрсатиб бориш.

3. 2024 йил 1 июлдан бошлаб фуқароларга бепул бирламчи юридик ёрдам кўрсатишнинг қўйидаги тартиби жорий қилинсин:

Адлия вазирлиги томонидан «Мадад» ННТ билан ҳамкорликда республиканинг барча туман ва шаҳарларида давлат хизматлари марказларида «Мадад» ННТнинг ҳуқуқий маслаҳат бюролари (кейинги ўринларда — ҳуқуқий маслаҳат бюролари) босқичма-босқич ташкил қилинади;

ҳуқуқий маслаҳат бюролари томонидан аҳолига бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилади, шунингдек низоларни судгача ва суд орқали ҳал этишда зарур бўладиган процессуал ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги жамоат фондлари хисобидан «Мадад» ННТнинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳуқуқий маслаҳат бюролари фаолиятини молиялаштириш учун давлат субсидиялари ажратиб борилади;

ташкил этиладиган ҳуқуқий маслаҳат бюроларини зарур компьютер техникалари ва мебель билан жиҳозлаш Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур бандда назарда тутилган давлат субсидияларини молиялаштириш учун зарур маблағларни ҳар йили Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин.

Адлия вазирлиги ҳуқуқий маслаҳат бюролари фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳалқаро молия институтлари ҳамда хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантларини жалб қилиб борсин.

4. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунчилик ҳужжатларини ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари самарарадорлигини ошириш мақсадида:

а) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида «Маҳалла ҳуқуқшуноси» лойиҳаси амалга оширилиб, лойиҳа доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг ҳуқуқий билим ва қўнималарини узлуксиз ошириб боришга қаратилган қисқа муддатли бепул ўкув курслари ташкил этилади;

б) мактабларда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

Адлия вазирлигининг маҳсус электрон платформаси орқали хуқуқ фани ўқитувчиларининг касбий билим ва кўниммаларини узлуксиз ошириб бориш ҳамда уларни методик таъминлаш тизими йўлга қўйилади;

ўқувчилар ўртасида «Хуқуқ билимдони» фан олимпиадаси, хуқуқ фани ўқитувчилари ўртасида «Энг яхши хуқуқ ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказиб борилади;

мактаб ўқувчиларининг хуқуқий билимларни мустақил ўзлаштиришига қаратилган кўргазмали ўқув қўлланмалари, видеороликлар, компьютер ўйинлари ва мобиъль иловалар яратилади;

в) 2024 йил 1 июндан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказишнинг янги тартиби жорий қилинади. Бунда:

Адлия вазирлиги томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг фаолият йўналишларидан келиб чиқиб хуқуқий тарғибот материаллари тайёрланади ҳамда уларнинг энг қўйи бўғинигача Ягона хуқуқий ахборот алмашиш тизими орқали юборилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг хуқуқий ахборотни етказишга оид фаолияти рақамлаштирилади ва хуқуқий тарғиботнинг инновацион усуслари кенг татбиқ этилади;

давлат органлари ва ташкилотларида ўз фаолияти соҳасига оид хуқуқий ахборотларни аҳолига етказиш фаолиятини ташкил қилиш ҳамда муовфикаштиришга масъул бўлинмалар белгиланади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш даражаси ва сифати улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларидан бири хисобланади.

5. Адлия вазирлигининг маҳаллаларда хафтанинг ҳар чоршанба кунини «Хуқуқий тарғибот куни» этиб белгилаш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Хуқуқий тарғибот куни»да туман (шахар) адлия бўлимлари, шу жумладан юридик хизмат кўрсатиш марказлари, ФҲДЁ органлари, давлат хизматлари марказлари томонидан манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда қўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

«Online-mahalla» платформасига киритилган ва жойларда аниқланган муаммоларнинг хуқуқий ечимларига қаратилган манзилли хуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш;

аҳоли учун энг долзарб масалаларни аниқлаш орқали улар юзасидан хуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар бериш;

ижтимоий химояга муҳтоҷ аҳоли қатламлари учун имтиёзлар ва моддий ёрдам бериш, нафақа тайинлаш, ишсизликдан химояланиш, вақтинчалик иш билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам олиш тартиби бўйича тизимли хуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш;

кундалик ҳаётда энг кўп зарур бўладиган давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби ҳамда улардан Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва

бошқа электрон ресурслар орқали фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш.

6. Белгилансинки, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга қаратилган «Мамлакат келажаги — қонунга итоаткор ва ҳуқуқбузарликка тоқатсиз ёшлар билан» ғояси асосида адлия органлари ва муассасалари, шу жумладан Тошкент давлат юридик университети ва юридик техникумлар:

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, уларда қонунларга ҳурмат, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳамда ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган комплекс ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилишга;

адлия органлари ва муассасаларига ёшларнинг ташрифини ташкил қилиш орқали «Тенгдошимга ҳуқуқий ёрдам» тадбирларини ўтказиб боришга;

ҳуқуқшунослик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш, ёшларда ушбу касбга нисбатан ҳурмат ва фарҳ туйғуларини шакллантириш, уларни ҳуқуқий билим олишга қизиқтириш бўйича амалий тадбирларни ташкил қилишга;

ёшларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қаратилган онлайн ҳуқуқий саводхонлик мактабини ташкил этиш ва у орқали бепул ҳуқуқий ўкув курсларини жорий этишга;

таълим муассасаларида «Ҳуқуқий билимлар ойлиги»ни ўтказиб бориш ва ёшларнинг ҳуқуқий билим олишларини рағбатлантиришга қаратилган турли ҳуқуқий мавзулардаги семинар-тренинглар ва танловларни ташкил қилишга масъул ҳисобланади.

7. Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилотларида ҳуқуқни қўллашни методик таъминлаш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Адлия вазирлиги ҳар йили ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва методик таъминлаш бўйича манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишлар дастурини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширилишини таъминлайди. Бунда:

2024 йил 1 сентябрга қадар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилояти Дўстлик тумани ҳокимлиги ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида намунали ҳуқуқни қўллаш тизими йўлга қўйилади. Кейинчалик, ҳар йили камида 10 та вазирлик ва идораларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти таҳлил қилиниб, такомиллаштириб борилади;

ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб, Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси (*Lex.uz*)га жойлаштириб борилади;

бизнес жараёнларини реинжиринг қилиш (BPR) усулларидан фойдаланган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларининг функцияларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар киритиб борилади;

ўрганиш ўтказилган давлат органлари ва ташкилотлари учун иш юритишига доир намунавий хужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилиниши таъминланади;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ягона ҳуқукни қўллаш амалиётини жорий этиш бўйича малакаси ошириб борилади;

б) давлат органлари ва ташкилотлари ҳуқукни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммолар, қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш бўйича таклифларини Ягона ҳукукий ахборот алмашиш тизими орқали Аддия вазирлигига киритади.

Бунда, Аддия вазирлиги:

ҳуқукни қўллаш амалиёти, фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонунчилик хужжатлари ижросининг белгиланган тартибига риоя этиш ҳолатини, шу жумладан жойларга чиқсан ҳолда ўрганади ва таҳлил қиласди;

давлат органлари ва ташкилотларининг таклифларини умумлаштирган ва чуқур таҳлил қилган ҳолда тизимли равишда ҳуқукни қўллаш амалиёти ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чоралар кўради.

8. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қўшимча қулайлик яратиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2024 йил 1 июлдан:

Mobile-ID тизимида фуқароларни идентификация қилиш уларнинг хоҳишига кўра ID-карта ва хорижга чиқиш биометрик паспортини давлат хизматлари марказлари орқали расмийлаштириш жараёнида композит шаклда амалга оширилади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан архив хужжатлари ўрнатилган тартибда йўқ қилинишида, уларнинг электрон нусхаларини талаб этиш амалиёти бекор қилинади;

аввал давлат рўйхатидан ўтказилган (давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилиган ёки ҳуқуқни белгиловчи хужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқланган) ва ҳозир ҳам амалда бўлган кўчмас мулкка бўлган ҳукуқлар тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда давлат реестрига киритиш ва бу ҳақида давлат реестридан кўчирма бериш бепул амалга оширилади;

нотурар жойларни бошқа шахсга ўтказишга оид битимларни расмийлаштириш битим томонлари давлат хизматлари марказига келган ва уларнинг шахси марказ ходими томонидан аниқлаштирилган ҳолда амалга оширилади ҳамда расмийлаштирилган битим бир вақтнинг ўзида давлат рўйхатидан ўтказиш учун кадастр органларига юборилади;

б) 2024 йил якунига қадар:

давлат хизматларини кўрсатишда шахсни биометрик идентификация қилиш (Face-ID) усули жорий қилинади. Бунда, фуқаролар томонидан шахсини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиш талаб этилмайди;

фуқаролар томонидан давлат хизматлари марказлари ҳамда нотариал идоралар орқали Mobile-ID тизимида идентификация ва қайта идентификациядан ўтиш бепул асосда амалга оширилади.

9. Янги давлат хизматлари кўрсатиш тартибини жорий этишдан аввал уларни, заруратга кўра, эксперимент тариқасида маълум бир худудда апробация қилиш тартиби жорий қилинсин.

Белгилансинки:

эксперимент доирасида жорий этилаётган давлат хизматларини кўрса-тишнинг вактингчалик регламенти Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинади;

эксперимент 6 ойгача давом этади ҳамда натижаси бўйича янги тартибдаги давлат хизматини кўрсатиш тўхтатилади ёки уни бутун республика-да жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилади.

10. Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мектабгача ва мактаб таълими вазирлигининг юридик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги таклифларига рози-лик берилсин:

мактабларда «Хуқуқ синфи» ва хуқуқ фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилишини ташкил этиш орқали юридик кадрларни тайёрлашда «мак-таб — лицей — техникум — университет» тизимини жорий этиш;

Наманганд вилоятлари юридик техникумлари негизида Тошкент давлат юридик университетининг академик лицейларини ташкил қилиш ҳамда уларнинг иқтидорли битирувчиларини «юриспруденция» йўналиши-даги олий таълим муассасаларига сухбат асосида тест синовларисиз қабул қилиш.

Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент давлат юридик университети академик лицейла-рининг иқтидорли битирувчиларини «юриспруденция» йўналишидаги олий таълим муассасаларига сухбат асосида тест синовларисиз қабул қилиш тартибини белгиловчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

11. Қўйидагилар:

а) Адлия вазирлиги хузуридан Юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент давлат юридик университети хузуридан Юридик кадрларни халқ-аро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази, X. Сулаймонова но-мидаги Республика суд экспертиза марказининг Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув маркази ҳамда «Ўзархив» агентлиги хузуридан Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридан Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти;

б) Адлия вазирлигининг «Давлат хизматларини ривожлантириш марка-зи» давлат муассасаси негизида Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти (кейинги ўринларда — Институт) таш-кил этилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Адлия вазирлиги ҳар йили қонунчилик хужжатлари лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширилишини таъмин-лайди. Бунда, 2028 йилга қадар норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари-нинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш кўрсаткичи 100 фоизга, амалдаги норматив-хуқуқий хужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш кўр-саткичи эса 50 фоизга етказилади.

Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-й манзилида жойлашган бино оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Адлия вазирлигига ўтказилсин ҳамда ушбу бинога Институт жойлаширилсин.

Адлия вазирлиги икки ой муддатда Институтни зарур мебель, компьютер техникаси ва бошқа моддий-техник воситалар билан вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жиҳозланишини таъминласин.

12. Белгилансинки, давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда илмий ёндашувларни кенг жорий этиш мақсадида Тошкент давлат юридик университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида:

адлия органлари ва муассасалари фаолияти, ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш, суд экспертиза, архив иши ва иш юритиш соҳаларини илмий-методик ва консультатив жиҳатдан таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишлари самарадорлигини илмий тадқиқ этиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳуқуқшуносликнинг долзарб масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш;

юридик таълим ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш соҳаларини ҳуқуқий технологияларни қўллаш орқали ривожлантиришга қаратилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

loyihaviy ёндашув асосида адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва грантлар ҳисобидан ҳудуд ва соҳалардаги ҳуқуқий муаммоларни жойига чиқсан ҳолда тадқиқ қилиш ва таклифлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади.

Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда илмий ёндашувларни кенг жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиqlасин.

13. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

а) 2024 йил 1 июлдан:

электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур ва маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказишига доир талабномаларни давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топшириш имконияти яратилсин;

интеллектуал мулк обьекти рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи QR-код билан муҳофазаланган электрон хужжат бериш тартиби жорий этилсин;

б) Адлия вазирлигига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан белгиланган тартибда хulosса бериш;

контрафакт маҳсулотларни яширин ишлаб чиқариш ҳолатларини аниқлаш бўйича маҳсус ваколатли органлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш ва аниқланган контрафакт маҳсулотларни олиб кўйиш ва йўқ қилиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга ошириш.

14. 2025 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг фуқаролик ҳолати ҳамда уларнинг шахсига доир бошқа маълумотларни ўз ичига оловучи Аҳолининг ягона электрон реестри жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Аҳолининг ягона электрон реестри:

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсга доир маълумотлари ягона электрон базаси ҳисобланади;

тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинади ҳамда фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш, нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш, банк, коммунал, суурита ва бошқа оммавий хизматларни кўрсатишда ушбу реестрдан фойдаланилади;

Адлия вазирлиги хузуридаги Персоналлаштириш агентлиги томонидан юритилади.

15. 2024 йил 1 июлдан 2026 йил 1 июляга қадар хуқуқий эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган айrim давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий ҳужжатларни судгача кўриб чиқишнинг янги тартиби жорий этилсин.

Белгилансинки, хуқуқий эксперимент доирасида:

Адлия вазирлиги хузурида Олий апелляция кенгаши ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси хузурида Апелляция кенгаши (кейинги ўринларда — апелляция кенгашлари) ташкил қилинади;

апелляция кенгашлари маъмурий органларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги маъмурий ҳужжатларини судгача кўриб чиқиш натижасида ушбу ҳужжатларни ўзгартириш, қисман ёки тўлиқ бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қиласди, бундан қонунчиликка мувофиқ факат суд тартибида бекор қилинадиган ёки ўзгартириладиган ҳужжатлар мустасно;

маъмурий органларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги маъмурий ҳужжатларини апелляция кенгашлари томонидан кўриб чиқиш манфаатдор шахсларнинг шикоятлари ҳамда давлат хизматларини кўрсатишни мониторинг қилиш натижалари га кўра амалга оширилади;

апелляция кенгашларининг қарорлари «Е-қагоғ» электрон тизимида эълон қилиб борилади, шунингдек, маъмурий шикоят бўйича маъмурий иш юритуви иштирокчиларига белгиланган тартибида маълум қилинади ва маъмурий органлар томонидан уларнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

апелляция кенгашларининг қарорлари юзасидан манфаатдор шахс томонидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин, маъмурий органлар учун мазкур қарорлар қатъий ҳисобланади ва уларнинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Адлия вазирлиги хуқуқий эксперимент натижалари бўйича маъмурий ҳужжатларни судгача кўриб чиқишнинг янги тартибини тўлиқ жорий этиш

юзасидан 2026 йил 1 августга қадар Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Қўйидагилар:

2024 йилда давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жорий этиладиган давлат хизматлари рўйхати 1-иловага\* мувофиқ;

2024 йилда проактив ва композит шаклларига ўтказиладиган давлат хизматлари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ;

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан агент сифатида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати 3-иловага\* мувофиқ;

Норматив-хуқуқий хужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда хуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш схемаси 4-иловага\* мувофиқ;

Адлия вазирлиги ҳамда «Ўзархив» агентлигининг ташкилий тузилмалари 5 ва Ба-иловаларга\* мувофиқ;

Адлия органлари фаолиятини трансформация қилиш, давлат хизматларини кўрсатиш ва норма ижодкорлигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

18. Адлия вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири А.Д. Ташкулов белгилансин.

Фармон ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 24 май,  
ПФ-80-сон

\* 1 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 24 майдаги  
ПФ-80-сон Фармонига  
7-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4262-сон Фармонида:

а) 1-илованинг 2-банди ўн иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига (кейинги ўринларда — ДПМ)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

2-банднинг ўнинчи хатбошисидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига (кейинги ўринларда — ДПМ)» сўзлари «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигига (кейинги ўринларда — Персоналлаштириш агентлиги)» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ДПМда» сўзи «Персоналлаштириш агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

5, 14, 16, 22-бандлардаги ва 24-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «ДПМга» сўзи «Персоналлаштириш агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги «ДПМ» абревиатураси «Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5156-сон Фармонида:

3-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридағи Давлат персоналлаштириш маркази» сўзлари «Адлия вазирлиги ҳузуридағи Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг» сўзлари «Адлия вазирлиги ҳузуридағи Персоналлаштириш агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5415-сон Фармонида:

а) 3-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўриш, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқароларга бепул бирламчи юридик ёрдам кўрсатиш тизимини таъминлаш ва мувофиқлаштириб бориша»;

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсан:

«давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шахар) бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда методик ёрдам кўрсатиш»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

б) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5834-сон Фармонида:

а) 2-банддан «ҳамда ўрнатилган тартибда йўқ қилинишида» сўзлари чиқариб ташлансан;

б) 5-бандда:

иккинчи хатбошидан «архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган ваколатли давлат органи ҳамда» сўзлари чиқариб ташлансан;

учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига асосан» сўзлари «қонунчиликда белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсан;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Агентлик директори ўринбосари қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади»;

бешинчи хатбошидаги «ўринбосарлари» сўзи «ўринбосари» сўзи билан алмаштирилсан;

олтинчи хатбошидаги «тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокиммилклари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси адлия вазири» сўзлари билан алмаштирилсан;

в) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5987-сон Фармонининг 4-банди ва 1-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги

ПФ-5992-сон Фармони билан тасдиқланган 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг «IV. Халқаро рейтингларда Ўзбекистон банк тизимининг мавқеини ошириш» бўлими 3-бандидаги «Давлат персоналлаштириш маркази, Давлат солик қўмитаси» сўzlари «Персоналлаштириш агентлиги, Солик қўмитаси» сўzlари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги «Давлат хуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5997-сон Фармонида:

а) 2-бандда:

учинчи хатбоши «тасдиқлансин» сўзи билан тўлдирилсин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансан;

б) 5-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария ҳамда ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига хуқуқий нормалар киритишга йўл қўймаслик;

шахарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария ҳамда ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини Вазирликда мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўtkазиш ҳамда ижобий хулоса олингандан сўнг ҳисобга олиниши ва кучга кириши тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин»;

в) 11-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат буюртмачиларига Марказ билан норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш хуқуқи берилсин»;

г) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 30-позицияси «Муддати» устунидаги «2023 йил» сўzlари «2026 йил» сўzlари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6065-сон Фармонида:

а) 1-иловада:

16-бандда:

биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига» сўzlари «Адлия вазирлиги хузуридаги Персоналлаштириш агентлигига» сўzlари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персо-

наллаштириш маркази» сўзлари «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг «3-босқич» позицияси «Субъектлар» устуnidаги «Давлат персоналлаштириш маркази» сўзлари «Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

17-бандда:

биринчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига» сўзлари «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази» сўзлари «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг «3-босқич» позицияси «Субъектлар» устуnidаги «Давлат персоналлаштириш маркази» сўзлари «Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самараали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон Фармонига 23-илованинг 7.4-позицияси «Ташкилотлар» устуnidаги «Давлат персоналлаштириш маркази» сўзлари «Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 марта «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-89-сон Фармонида:

а) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «ҳар чоракда» сўзлари «ҳар ярим йилда» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10 ва 11-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 1-илованинг 3, 9 ва 26-позициялари «Амалга ошириш муддати» устуnidаги «2022-2023 йиллар» сўзлари «2022 — 2026 йиллар» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

20-банднинг «д» кичик бандида:

биринчи хатбошидаги «1 — 6-иловалар тегишинча» сўзлари «1-илова» сўзлари билан алмаштирилсин;

янги таҳрирда баён этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорига 2 — 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

23 ва 40-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисидаги низомнинг 6-банди «г» кичик банди учинчи хатбошисидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази»

сўзлари «Адлия вазирлиги хузуридаги Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3666-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хукуқ ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш;

норматив-хукуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

хукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш;

хукуқий тарғиботни амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳукуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг худудий бўлинмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида хукуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш, шунингдек ушбу давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ягона хукуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда методик ёрдам кўрсатиш;

фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини хукуқий химоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан соҳалар, худудлар ва идоралар кесимида ўрганишларни олиб бориш ва жойлардаги ҳолат мониторингини юритиш;

давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини илгор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил ва мониторинг қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий кўмаклашиш, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳукуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатилишини таъминлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашиш;

маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самара-дорлигини баҳолаш;

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ихтиrolар, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуки ва бошқа интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни химоя қилиш;

ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш;

суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари-ни ишлаб чиқиш, суд эксперtlарини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид ҳалқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш;

ҳалқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, ҳалқаро шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳалқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий химоясини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини юритиш билан боғлик фаолиятини мувофиқлаштириш;

архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги ишларини мувофиқлаштириш;

шахсга доир маълумотлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг шахсга доир маълумотлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш»;

б) 2-банднинг «б» кичик бандида:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳxирда баён этилсин:

«давлат муассасаси шаклидаги «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази (кейинги ўринларда «Адолат» маркази деб юритилади) ташкил қилинсин»;

рус тилидаги матнда тўртинчи хатбошидаги «ЦПИ «Адолат» сўзлари «центра «Адолат» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Адолат» ҲАМ» сўзлари «Адолат» маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-бандда:

учинчи — еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;  
саккизинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

г) 4-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси аппарати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий тузилмаларида» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмаларида» сўзлари билан алмаштирилсан;

олтинчи хатбошидаги «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар агар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари» сўзлари «вазирликлар ва идоралар агар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

д) 7-бандда:

«а» кичик бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар юридик техникумларига директорлар раҳбарлик қиласди ҳамда улар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш Давлат бюджети ҳамда юридик техникумларинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

бешинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази» сўзлари «Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсан;

«д» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

е) 8 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

ж) 11-банднинг тўртинчи хатбоисидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсан;

з) 12-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Мазкур банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан лавозимга тайинланган ва адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири котибиятининг таркибий бўлинмалари ҳамда Бош вазир ўринbosарларининг котибиятлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида амалда бўлган барча тўловлар сақланган ҳолда татбиқ қилинади»;

саккизинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси аппарати» сўзлари «Бош вазири котибиятининг таркибий бўлинмалари ҳамда Бош вазир ўринbosарларининг котибиятлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

и) 1-иловада:

2-банднинг биринчи хатбоисидаги «давлат бошқаруви органи» сўзлари «республика ижро этувчи ҳокимият органи» сўзлари билан алмаштирилсан;

4-банддаги «давлат бошқаруви органлари» сўзлари «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

8 — 10-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«8. Вазирлик тизимиға қўйидагилар киради:

Вазирлик марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари, юридик хизмат кўрсатиш марказлари, давлат хизматлари марказлари ва ФХДЁ органлари;

«Ўзархив» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари, Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви, Қорақалпоғистон Республикаси марказий давлат архиви, Тошкент шаҳар марказий давлат архиви, вилоят, шаҳар ва туман давлат архивлари ҳамда уларнинг филиаллари;

Персоналлаштириш агентлиги;

Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази;

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази» давлат муассасаси;

«Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси;

«Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси;

давлат нотариал идоралари ва архивлари;

Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти;

Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти;

Тошкент давлат юридик университети ва унинг хузуридаги академик лицейлар;

юридик техникумлар.

Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита Вазирликка бўйсунадилар.

9. Қўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари хисобланади:

ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши экспертиздан ўтказиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш;

ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг худудий бўлинмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш, шунингдек ушбу давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда методик ёрдам кўрсатиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан соҳалар, ҳудудлар ва идо-

ралар кесимида ўрганишларни олиб бориш ва жойлардаги ҳолат мониторингини юритиш;

давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил ва мониторинг қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий қўмаклашиш, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризми молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга қўмаклашиш;

маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ихтиrolар, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш;

ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк обьектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш;

суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд эксперtlарини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид ҳалқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш;

ҳалқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, ҳалқаро шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини юритиш билан боғлик фаолиятини мувофиқлаштириш;

архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги ишларини мувофиқлаштириш;

шахсга доир маълумотлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг шахсга доир маълумотлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

10. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш соҳасида:

конституциявий нормаларни амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунга риоя этиш ва хурмат руҳини мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқий сиёсатнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқ ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва услубий раҳбарликни амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг мониторинги ва таҳлилини амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, уларда коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормалар мавжудлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказади;

қонунчилик ҳужжатларидаги ҳуқуқий нуқсонларни, ҳуқуқбузарликларни содир этишга шарт-шароит яратувчи, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормаларни аниқлади ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

қонуности ҳужжатларига расмий шарҳларнинг лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топширикларига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий шарҳларининг лойиҳалари бўйича хulosалар беради;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказади;

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрини юритади; вазирликлар ва идораларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхати-

дан ўтказилиши лозим бўлмаган хужжатлар тоифасига киритиш ҳақида қарорлар қабул қиласди;

идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария ҳамда ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини хуқуқий экспертизадан ўтказади ва ҳисобга олади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-хуқуқий хужжатларини хуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-хуқуқий хужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини тасдиқлайди, унга риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатларини давлат ҳисобига олиш ва қонунчилик хужжатларини тизимлаштириш бўйича ишларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатларининг назорат нусхаларини юритади, уларнинг банкини (фондини) шакллантиради;

давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-хуқуқий хужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича услубий кўрсатмаларни тасдиқлайди;

норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлайди;

идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлайди;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария ҳамда ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини тайёрлаш, хуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартибини тасдиқлайди;

Қонунчилик тармоқлари умумхуқуқий классификаторини тасдиқлайди, норматив-хуқуқий хужжатларга классификатор асосида кодлар беради;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-хуқуқий тусдаги қарорларини қонунчилик хужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан хуқуқий экспертизадан ўтказади;

2) норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш соҳасида:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда корруп-

цияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради, таҳлил қиласи ва мониторингини амалга оширади, шунингдек уларга услугубий ёрдам кўрсатади;

норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолайди ҳамда уларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлардаги тартибга солиш таъсирини баҳолашга масъул бўлган ходимларнинг рўйхатини шакллантиради;

Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича эксперталар реестрини юритади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишга масъул бўлган ходимларнинг малакасини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятини баҳолайди;

норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш соҳасидаги қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича таъсир чораларини кўради;

тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тизимининг холати бўйича ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

3) хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотларининг хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, услугубий раҳбарликни ва назоратни амалга оширади;

норматив-хуқуқий хужжатлар ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларнинг барча давлат органлари ва ташкилотларига ўз вақтида етказилишини таъминлайди;

қонунчилик хужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори йўналишларидан келиб чиқиб уларга оддий ва халқчил тилда етказади;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасида норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатларнинг ўз вақтида жойлаштирилишини ва ундаги маълумотларни сақлашни ташкил қиласи, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан фойдаланишини белгиланган тартибда таъминлайди;

норматив-хуқуқий хужжатларни, шу жумладан норматив-хуқуқий хужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган «Ўзбекистон

Республикаси қонунчилик тўплами», шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномалари тўплами»нинг расмий нашр этилишини ташкил этади;

ёшлар, хотин-қизлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни, шунингдек тадбиркорлик субъектларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялар, субсидиялар, грантлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турлари ҳамда улардан фойдаланиш тартиби ҳақида хабардор қиласди;

4) ҳукуқий тарғиботни амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳукуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

ҳукуқий тарғиботни амалга ошириш ҳамда аҳолига қонунчилик ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказишни ташкил қиласди;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳукуқий тарғибот соҳасидаги ишларини баҳолайди;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳукуқий тарғибот бўйича олиб борилган ишларни ўрганади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳукуқий ахборотдан кенг қўламда фойдаланишини таъминлайди, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида кенг жамоатчилик фикрини ўрганади ва таҳлил қиласди;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар мазмун-моҳиятини оддий ва халқчил тилда тушунтириш бўйича «Президент қарорлари — хаётда ва назоратда» рукни остида видеороликлар, инфографикалар ва бошқа кўргазмали материаллар тайёрлайди ҳамда уларни телевидение ва ижтимоий тармоқларда ёритиб боради;

5) республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳукуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш, шунингдек ушбу давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ягона ҳукуқни қўллаш амалиётини шакллантириша методик ёрдам кўрсатиш соҳасида:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида (шу жумладан уларнинг сўровига асосан) қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қиласди, умумлаштиради ҳамда ҳукуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бў-

линнамлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқади;

республика ижро этувчи ҳокимият органи ва унинг ҳудудий бўлиннамлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бўйруқ, қарор ва фармойишлар «Е-қагог» электрон тизимида ишлаб чиқилиши, келишилиши, қабул қилиниши, рўйхатга олиниши ва эълон қилинишини доимий мониторинг қилиб боради;

«Е-қагог» электрон тизими мониторинги натижасига кўра аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлиннамлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда уларга методик ёрдам кўрсатиб боради;

қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти самарадорлиги масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил қиласди;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳуқуқий мониторингни ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилишини таҳлил қиласди ва улар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш сифатини ошириш бўйича чоралар кўриш учун тавсиялар тайёрлайди;

ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлашда иштирок этувчи масъул идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш «Нишуқ ustuvorligi» автоматлаштирилган ахборот тизими оператори вазифасини бажаради, индикаторлар бўйича кўрсаткичларни таҳлил қиласди ва уларнинг сабабларини ўрганади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид ҳамда кўчмас мулк обьектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва хулоса беради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлиннамлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисидаги низом талабларига сўзсиз риоя этилиши бўйича тизимли назорат ва мониторингни амалга оширади;

6) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш соҳасида:

давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида ахборот йиғиши ва халқаро шартномаларда акс эттирилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари универсал стандарт принципларини ҳисобга олган ҳолда уни баҳолашни амалга оширади;

давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради;

«Online-mahalla» платформаси орқали аниқланадиган аҳолининг кундак ҳаётидаги ҳуқуқий масалаларга оид муаммоларини ҳал этиб боради;

ахолига, аввалимбор «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ҳамда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимиға киритилган фуқароларга бепул бирламчи юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлайди;

7) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан соҳалар, худудлар ва идоралар кесимида ўрганишларни олиб бориш ва жойлардаги ҳолат мониторингини юритиш соҳасида:

«Ijgo.gov.uz» тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида ижро этилиши устидан назорат олиб боради ва «Ijgo.gov.uz» тизими ни юритади;

«Ijgo.gov.uz» тизимиға назоратга олинадиган топшириқларни киритади, мазкур топшириқлардан келиб чиқсан ҳолда масъул ижрочилар ва топшириқни бажариш муддатларини белгилайди, ижрочилар томонидан киритилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган ижро муддатларини узайтириш хақидаги таклифлар асослилигини ўрганади;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолати тўғрисидаги маълумотни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича йиллик манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади;

ахборот-коммуникация технологиялари орқали жойлардаги қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолатини тизимли мониторинг қиласи;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларни жалб қилган ҳолда жамоатчилик мониторинги ва эшигувлари ни ташкил қиласи;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолати юзасидан манзилли ва тематик ўрганишлар ўтказади ва уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлик ҳолатини манзилли ва тематик ўрганишлар, жамоатчилик мониторинги ҳамда жамоатчилик эшигувлари, шунингдек, ваколати доирасида бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда таҳлил қиласи;

давлат органлари ва ташкилотларига қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси юзасидан ҳуқуқий-услубий кўмаклашишга мўлжалланган методик қўлланмалар ишлаб чиқади ҳамда уларга ушбу соҳада ҳуқуқий-услубий жиҳатдан кўмаклашади;

8) давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини илфор хорижий та-

жриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил ва мониторинг қилиш соҳасида:

давлат бошқаруви тизимининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини комплекс ва тизимли мониторинг ва таҳлил қилади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларининг очик реестрини юритади;

давлат органлари ва ташкилотлари ваколати ва функцияларининг тўлиқ ва сифатли амалга оширилаётганлиги ҳамда белгиланган мақсадларга эришилаётганлигини функционал таҳлил қилади;

таҳлил ва мониторинг натижаларига кўра давлат бошқаруви тизимини, давлат органлари ва ташкилотларининг ташкилий-штат тузилмаларини ва ишлаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг бир бирини такрорловчи функцияларини, ортиқча ва хос бўлмаган вазифалар, функциялар ҳамда ваколатларни чиқариб ташлаш ҳисобига оптималлаштириш ва номарказлаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили идоралар-аро коллегиал органлар фаолияти самарадорлигини таҳлил қилади ва баҳолайди ҳамда натижаси бўйича уларни келгусида қисқартириш ва оптималлаштириш юзасидан таклифлар киритади;

идоралараро коллегиал органларнинг реестрини юритади, унинг асосида ушбу органларнинг фаолияти самарадорлигини таҳлил қилади, уларни қисқартириш ва оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

9) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий кўмаклашиш, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини ўрганади, мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилишда иштирок этади, уларнинг стажировка ўташини ва малакаси оширилишини ташкил қилади ҳамда аттестациядан ўтказади;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартибини ҳамда муддатларини белгилайди;

давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш масаласини адлия органлари билан келишиш тартибини белгилайди;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг адлия органларида стажировка ўташ тартибини белгилайди;

давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг иш жойини моддий-техник жиҳатдан таъминлашга қўйилган минимал талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда Давлат бюджетидан

молиялаштириладиган туман (шахар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларига замонавий ахборот технологиялари ёрдамида марказлашган ҳолда сифатли юридик хизмат кўрсатилишини ташкил қиласди;

қонунчилик ҳужжатларидаги белгиланган тартибда бошқа ташкилотларга пулли асосда юридик хизмат кўрсатилишини ташкил қиласди;

10) нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатилишини таъминлаш соҳасида:

нотариат соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади ва ягона нотариал амалиётни таъминлаш бўйича чоралар кўради;

нотариуслар томонидан нотариат тўғрисидаги қонунчиликка, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, уларнинг ишини таҳлил қиласди ва умумлаштиради;

давлат нотариал идораси нотариусини лавозимга тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуфулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартибини белгилайди;

«Нотариус» ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг шакллантирилишини ва юритилишини ҳамда уни вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари ва ахборот тизимлари билан интеграция қилишни таъминлайди;

нотариал иш юритиш қоидаларини, нотариуслар томонидан нотариал характеристларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни, нотариус стажёри фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси (кейинги ўринларда — Нотариал палата) билан келишилган ҳолда нотариуслар томонидан статистик маълумотларни тақдим этиш шаклларини тасдиқлайди ва муддатларини белгилайди;

давлат нотариал идораларини ташкил этади ва тугатади, нотариус лавозими таъсис этади ва тугатади, нотариусларнинг реестрини юритади;

хусусий амалиёт билан шуфулланувчи нотариуслар фаолиятини лицензиялайди ҳамда уларни ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқаришни назорат қиласди;

нотариуслар лавозимларининг энг кам сонини тасдиқлайди ва муайян худуддаги (нотариал округдаги) нотариуслар лавозимларининг энг кам сонини белгилайди;

нотариуслар малакасини ошириш, уларни аттестациядан ўтказиш ва бошқа жойга ўтказиш (ротация) тартибини белгилайди;

Вазирлик ҳузуридаги Олий малака комиссияси ва Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Вазирлик ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг фаолиятини ташкил этади;

Нотариал палата фаолиятига қўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ тегишли расмий ҳужжатларга апостиль қўяди ҳамда чет элда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлардаги нотариуслар имзосининг ва уларнинг муҳри кўчирмасининг ҳақиқийлигини тасдиқлайди;

нотариал идораларга бериладиган қатъий ҳисобдаги гербли (махсус) бланкларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш тартибини белгилайди ҳамда нотариал идоралар, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги консуллик муассасаларини гербли (махсус) бланклар билан таъминлайди;

пуллик хизматлар ва нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳукуқий ва техник хусусиятга эга қўшимча харакатлар рўйхатини, ушбу ҳаракатлар амалга оширилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун, шунингдек идоравий нотариал архивлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари, реестрлардан кўчирмалар, маълумотномаларнинг ва архив ҳужжатларининг кўчирма нусхалари берилганлиги учун тўловларнинг миқдорларини тасдиқлайди;

адвокатлик тузилмалари ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолияти кафолатларини таъминлашда кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан биргаликда малақа комиссиялари ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси таркибини тасдиқлайди;

адвокатларга лицензиялар ва адвокатлик гувоҳномаларини беради, шунингдек уларнинг реестрини юритади ҳамда малакасини оширишда кўмаклашади;

адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотларини тақдим қилиш тартибини белгилайди ва статистик маълумотларни таҳлил қиласи;

адвокат томонидан ишни олиб бориша оширади;

адвокатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига, адвокатлик тузилмалари томонидан таъсис ҳужжатлари, уставида белгиланган фаолиятига, шунингдек қайта рўйхатдан ўтиш ва тутатиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

Профессионал медиаторлар реестрини юритади ва медиаторларни тайёрлаш дастурини тасдиқлайди;

Юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларининг реестрини юритиши тасдиқлайди, уларнинг реестрини юритади ҳамда фаолиятининг қонунчиликка мувофиқлигини назорат қиласи;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органига юқлатилган ваколатларни амалга оширади;

11) жиной ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, тероризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш соҳасида:

адвокатлик тузилмалари ва нотариал идоралар учун ички назорат қоидаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади;

адвокатлик ва нотариал хизматлар кўрсатиш, шунингдек нодавлат ноти-

жорат ташкилотлар фаолияти соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни баҳолайди, таҳлил қиласи ва ўрганади ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир чоралар кўради;

тадбиркорлик субъектлари бўлган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) жараёнида улар томонидан тақдим этилган ўзларининг бенефициарлари тўғрисидаги маълумотлар асосида юридик шахсларнинг бенефициар мулкдорлари реестрини шаклантиради ва юритади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганини аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўллади;

12) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашиш соҳасида:

нодавлат нотижорат ташкилотларни ва уларнинг рамзий белгиларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

рўйхатдан ўтказилган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат реестрини юритади;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатларига, устав фаолиятига, таъсис ҳужжатларига, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари, устав фаолияти ва таъсис ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган чоралар кўради;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитациядан ўтказади;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган тадбирлар тўғрисида келиб тушаётган ахборотларни таҳлил қиласи;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларнинг чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишини келишади;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларнинг фаолияти хақидаги ҳисоботларни қабул қиласи ва таҳлил қиласи;

нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари бузилганда, уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки уларни тугатиш тўғрисида таклифлар тайёрлайди ва судга кўриб чиқиш учун киритади;

сиёсий партияларнинг устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағларини улар ўртасида тақсимлайди;

нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларнинг фаолияти устидан мониторинг олиб боради;

чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет эл фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, шунингдек нодавлат нотижорат, шу жумладан диний ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги ҳисботларнинг, аккредитация карточкасининг шаклларини тасдиқлайди;

доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни амалга оширади;

13) маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширувчи барча маъмурий органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Конунига ҳамда маъмурий муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунчиликка риоя қилинишини ўрганади, назорат ва таҳлил қиласи;

маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширувчи органларнинг маъмурий-хукуқий фаолиятни тартибга солувчи функцияларини хатловдан ўтказиб, вазифалари қонунчиликка мувофиқ амалга оширилишини мониторинг қилиб боради;

бизнес жараёнларини қайта бошқариш усулларидан фойдаланган ҳолда барча маъмурий тартиб-таомилларни, шу жумладан давлат хизматларини оптималлаштириш, унификациялаштириш, тартиблари, муддатлар ва зарур хужжатларини максимал қисқартириш бўйича тизимли ишларни амалга оширади;

маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишдаги ҳукуқий бўшлиқларни бартараф этиш, шунингдек соҳада инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳамда идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш чораларини амалга оширади;

маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тизимли чоралар кўриб боради;

14) жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга методик раҳбарлик қиласи;

давлат хизматлари марказлари, уларнинг филиаллари ва ФХДЁ органлари фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи;

юридик шахсларни, шунингдек жисмоний шахсларни тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатига олишни ташкил этади;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ташкилотларни тугашибда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлайди, ташкилотларни туга-

тишда ваколатли органлар ва ташкилотларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради;

тадбиркорлик субъектлари томонидан агент сифатида айрим турдаги давлат хизматлари кўрсатилишида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, уларнинг ишини таҳлил қиласи ва умумлаштиради;

15) ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш хисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек идоралар-аро электрон ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида:

идоралараро ахборот алмашуви инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида электрон ҳужжат айланиши бўйича фаолиятни ташкил этишга кўмаклашади, мувофиқлаштиради ва такомиллаштиради;

кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тизимли равишда сўровномалар ўтказади;

Давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантиради, шунингдек унинг лозим даражадаги (долзарб) ҳолатини таъминлайди;

16) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва са-марадорлигини баҳолаш соҳасида:

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилиши нуқтаи назаридан текширишларни амалга оширади;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан хўжалик бирлашмалари, уй-жой коммунал ва фойдаланиш хўжалиги ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматлари кўрсатишга оид фаолияти, ушбу соҳадаги қонун бузилишлари ва уларга йўл кўйган айбдор шахслар, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш юза-сидан таклифларни ўз ичига олган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун бир йилда икки марта батафсил ахборот тайёрлайди;

давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга малака-ли ахборот ва маслаҳат ёрдами беради;

17) интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш ҳамда ихтиrolар, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интеллек-туал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида:

интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш истиқболларини белгилайди ва бўйича устувор йўналишларни ишлаб чиқади;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича, шу жумладан контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш, реализация қилишга қарши курашишда бевосита ёки ваколатли давлат органларига кўмаклашиш орқали таъсирчан чоралар кўради;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида интеллектуал мулк соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши ва қўлланилиши амалиётини ўрганади ва таҳлил қилади;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисида белгиланган тартибда хулоса беради;

интеллектуал мулк соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нотўғри ва зиддиятли қўллаш амалиётини ўрганади, ушбу соҳада ҳуқукбузарликларни бартараф этишга доир амалий чоралар кўради, шунингдек мазкур масалалардаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

хорижий патент идоралари, халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотлар билан патент ҳужжатлари ва патент-ҳуқуқий адабиётларнинг халқаро алмашинувини амалга оширади;

қонунчиликка мувофиқ интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси соҳасида манфаатдор шахсларга услубий ёрдам кўрсатади;

интеллектуал мулк соҳасининг ривожланиш ҳолатини, жумладан, ушбу соҳадаги халқаро рейтинглар ва индекслар методологияси ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама таҳлил қилади, умумлаштиради, таклифлар ва бошқа зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

интеллектуал мулк объектларининг ишончли ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимоясини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қабул қилган халқаро мажбуриятлар бажарилишининг мониторингини ўтказади;

контрафакт маҳсулотларни яширин ишлаб чиқариш ҳолатларини аниқлаш бўйича маҳсус ваколатли органлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказади ва аниқланган контрафакт маҳсулотларни олиб қўйиш ва йўқ қилиш бўйича чораларни кўради;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга оширади;

18) ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида:

ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткичлар, товар келиб чиқсан жой номлари ва интеграл микросхемалар топологияларини давлат экспер-

тизасидан ўтказиш, талабнома топширилган объектларнинг устуворлигини белгилаш, селекция ютуқларининг расмий экспертизасини ўтказиш ҳамда ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базаларини текшириш ишларини ташкиллаштиради;

ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналарини давлат рўйхатидан ўтказишни, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткичлар, товар келиб чиқсан жой номларини рўйхатдан ўтказишни, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказишни ҳамда интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказишни амалга оширади, муҳофаза ҳужжатларини беради, Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини ва тегишли реестрларни юритади;

муҳофаза ва бошқа зарур ҳужжатларнинг ягона шаклларини белгилайди;

депозитарийларда сақланаётган муаллифлик хуқуқи объектларининг электрон назорат нусхалари Муаллифлик хуқуқи объектларининг ягона басида сақланишини таъминлайди;

интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга хукуқлар бериш тўғрисидаги лицензия шартномаларини, шунингдек уларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказади ва тегишли реестрларни юритади;

интеллектуал мулкнинг расмий рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради, уларнинг сақланиши ва фойдаланилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди;

Давлат патент фондини жамлаш ишларини ташкил этишни ва амалга оширишни, ундан иқтисодиётнинг реал секторидаги хўжалик юритувчи субъектлар, илмий ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар томонидан самарали фойдаланилиши учун унинг сақланиши ва қулайлигини таъминлайди;

интеллектуал мулк соҳасидаги ахборотномаларни ва бошқа расмий нашрларини, шунингдек интеллектуал мулк объектларини хукуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича бошқа маълумотлар ва материалларни электрон равища эълон қилинишини ташкил қиласи ҳамда амалга оширади;

патент вакилларини аттестациядан ва рўйхатдан ўтказади, Патент вакилларининг давлат реестрини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мавқенини, жумладан, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида холисона ахборот етказиш орқали мустаҳкамлаш, обзорли, маълумотнома ва бошқа материалларни тайёрлаш чораларини кўради;

19) юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш соҳасида:

хуқуқий таълимнинг ҳолатини таҳлил қиласи, уни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

профессионал ва олий таълим ташкилотларининг ўқувчилари ва талабалари учун юридик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, шунингдек бошқа юри-

дик адабиётлар нашр этиш режаларини ишлаб чиқади ва нашр этилишини ташкил этади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, уларни Вазирлик тизимидағи таълим муассасаларида тайёрлаш ишларини ташкил этади ва раҳбарлик қиласди;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади;

кадрлар захирасини яратади, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва стажировкадан ўтишини ташкил этади, адлия органлари ва муассасаларига кадрлар танловини амалга оширади ва уларни жой-жойига қўйишда қатнашади;

хукуқий фанларни ривожлантириш чораларини кўради, давлат ва жамият қурилиши, суд-хукуқ тизими, мамлакатда хукуқ ижодкорлиги, хукуқни қўллаш, хукуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳаларида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

хукуқ соҳасидаги таълим ишларининг услубий жиҳатдан таъминланишини ташкил этади;

20) суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд эксперталарини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот ва экспертлик ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси давлат суд-экспертлик муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади;

суд-экспертлик фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, суд эксперталарини тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

суд-экспертлик фаолиятига фан ва техника ютуқларини жорий этиш бўйича чораларни кўради;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд эксперталари томонидан ўтказиладиган суд экспертизаларининг мураккаблик даражасини аниқлаш, суд экспертизаларининг мураккаблик даражасига қараб уларни амалга ошириш муддатларини ҳисоблаш тартибини, суд эксперталари юкламаларининг нормативларини белгилайди ва назоратини олиб боради;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари, уларнинг суд эксперталари ва суд-экспертлик тадқиқотлари услубларининг давлат реестрларини юритади;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ҳар бир суд экспертизаси турлари бўйича моддий-техника базасининг жиҳозлашига қўйиладиган минимал талабларни тасдиқлади;

нодавлат суд эксперталарини аттестациядан ўтказади ҳамда суд экспертикасб этикаси қоидаларини белгилайди ва уларга риоя этилиши юзасидан назорат олиб боради;

21) сиёсий-хукуқий соҳага оид ҳалқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда тадқиқот институтлари билан

хамкорликда сиёсий-хуқуқий соҳага оид халқаро рейтинг ва индекслардаги Ўзбекистон Республикасининг ўрнига салбий таъсир қилувчи омиллар, муаммолар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги қоидаларни ўрганади ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда тадқиқот институтларининг сиёсий-хуқуқий соҳага оид халқаро рейтинг ва индексларни тузувчи халқаро ва хорижий ташкилотларни Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари ҳақида ахборотлардан хабардор қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, услубий раҳбарлик, мониторингни амалга оширади;

22) халқаро-хуқуқий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, халқаро шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тайёрлаш ва ижро этишда ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда иштирок этади;

халқаро шартномалар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказади;

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги халқаро шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида таклифлар тақдим этади;

давлат кафолати остида тузиленган қарз шартномалари бўйича белгиланган тартибда юридик хулосалар беради;

23) халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш соҳасида:

халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди;

халқаро арбитраж ва хорижий давлатларда суд мухокамалари масалалари бўйича халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда Ташқи ишлар вазирилиги ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан идоралараро ҳамкорликни амалга оширади;

хорижий давлатлар судларида ва халқаро арбитражларда томонлардан бири Ўзбекистон Республикаси бўлган низолар кўриб чиқилаётганда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қиласди;

Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги хорижий давлатлар судлари ва халқаро арбитраж мухокамалари билан боғлиқ тегишли материалларни йиғишини ҳамда тизимли таҳлилини ташкиллаштиришни амалга оширади;

хорижий давлатлар судлари ва халқаро арбитражларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳуқуқий ифодалаш мақсадида хорижий ва миллий адвокатлик (юридик) фирмалари, маслаҳатчи ва экспертларни жалб қиласди ҳамда фаолиятини мувофиқлаштиради;

аниқ бир Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги хорижий давлат суди ва халқаро арбитраж мухокамаси доирасида ташкил этиладиган ишчи гурӯхларнинг ишчи органи функцияларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги хорижий давлатлар судлари ва халқаро арбитражлар мухокамалари масалалари бўйича маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва экс-Президентининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини хуқуқий, шу жумладан судда ҳимоя қилишни амалга оширади;

24) давлат органлари ва ташкилотларининг Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини юритиш билан боғлик фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрининг оператори сифатида унинг доимий юритилишини, такомиллаштирилишини ва уни техник қўллаб-кувватлашни ташкил этади;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тегишли маълумотларнинг Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрига тўғри киритилишини назорат қиласди;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларга Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини шакллантиришда услубий ёрдам кўрсатади;

25) архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотларининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради ҳамда самарали давлат бошқаруви юритилишини таъминлайди;

архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, давлат архивларининг моддий-техник базасини яхшилаш, архив хизматларини кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш ва соддалаштириш, соҳага илфор хорижий амалиётлар, илмий тадқиқотлар натижалари ва илмий-техника ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини ташкил этади;

Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатларининг сақланиши, архив хизматларини кўрсатишда нодавлат секторини янада ривожлантириш чораларини кўради ҳамда архив иши соҳасида давлат-хусусий шериклик учун кулай шарт-шароитлар яратади;

архив ҳужжатларини алоҳида қимматли ҳужжатлар ва ноёб ҳужжатлар сирасига киритиш тартибини, шунингдек суфурта нусхаларини яратиш ва сақлаш тартибини, архив ҳужжатларини кириб кўриш тартиби ва шартларини белгилайди;

архив иши ва иш юритиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

архившунослик, археография, иш юритиш, электрон ҳужжат айланиши соҳасида илмий, методик ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

26) шахсга доир маълумотлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг шахсга доир маълумотлар билан ишлаш бўйича фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотларининг шахсга доир маълумотлар билан ишлаш соҳадаги фаолиятини назорат қиласди ва мувофиқлаштиради;

шахсга доир маълумотлар соҳасидаги давлат дастурлари ва норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинганлик даражаси оширилиши ҳамда шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри самарали юритилишини таъминлайди;

шахсга доир маълумотларга ишлов берининг намунавий тартибини, шахсга доир маълумотлар базаси мулкдорининг ва (ёки) операторининг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлинмаси ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этишнинг намунавий тартибини, шахсга доир маълумотларнинг зарур ҳимоя қилинганлик даражасини белгилайди.

Вазирлик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

11-бандда:

6-кичик бандда:

биринчи хатбоидан «давлат қўмиталари,» сўзлари чиқариб ташлансин; қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрига маълумотларни киритиш борасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш, шунингдек реестрга киритиш учун маълумотларни ўз вақтида ва белгиланган тартибда тақдим этиш тўғрисида»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

13-кичик банддан «давлат қўмиталари,» сўзлари чиқариб ташлансин;

35-кичик банддаги «давлат бошқаруви органлари» сўзлари «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

43-кичик банддаги «Молия вазирлиги билан келишган» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги 50 ва 51-кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«50) давлат органлари ва бошқа ташкилотларга идоравий архив ишлари ва иш юритиш доирасида ҳужжатлар билан ишлашда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

51) шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик бузилишларини бартараф қилиш ҳақида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш»;

14-банд қўйидаги мазмундаги 15 ва 16-кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«15) ажратилган маблағлар доирасида ҳамда белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда марказий аппарат ва худудий бўлинмаларнинг тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлайди;

16) худуддаги эҳтиёж ва шароитлардан келиб чиқиб, муайян вилоят ёки туман (шаҳар) бўлинмаларини ташкил этади ёки уларни туманлараро (вилоятлараро) шаклда тузади»;

16-банддаги «беш нафар ўринбосарга» сўзлари «тўрт нафар ўринбосарга» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бобнинг 3-параграфи номидаги, 23-банддаги ва 28-банддаги «давлат

бошқаруви органлари» сўзлари «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банднинг биринчи хатбоисидаги «давлат бошқаруви органларининг» сўзлари «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банддаги «вазирнинг бўйруқлари билан амалга оширилади» сўзлари «хайъат раиси томонидан имзоланади» сўзлари билан алмаштирилсин;

36-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

Вазир ҳар йил бошида ўринбосарлар кесимида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш бўйича харакатлар дастурини ишлаб чиқиб, жамоатчиликка тақдим қиласди.

Харакатлар дастурига асосан Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш бўйича ҳудудий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиб, жамоатчиликка тақдим қиласди»;

39-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлаш ҳаржатларини молиялаштириш, шунингдек уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рафбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг манбалари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошка манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Бунда, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари биринчи навбатда мазкур банднинг биринчи хатбоисида назарда тутилган ҳаржатларни ҳамда ушбу жамғармалар тўғрисидаги низомларда назарда тутилган бошка мақсадларни молиялаштиришга ўналтирилади, ортиб қолган қисми эса ҳар ой якунлари бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон қарорида назарда тутилган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади»;

42-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Вазирлик раҳбарлари ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаларига ва Вазирлар Маҳкамасига ҳамда жамоатчиликка мунтазам равишда ҳисобот беради»;

к) 2 — 7-иловалар ўз кучини ўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги ПҚ-3741-сон қарори билан тасдиқланган Нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан битимларни тасдиқлашда «ягона дарча» таомойили бўйича амалга ошириладиган ҳукуқий ва техник тусдаги қўшимча харакатлар рўйхатининг 2-позицияси «Маълумотлар берувчи ваколатли идора» устуnidаги «Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш

маркази» сўзлари «Адлия вазирлиги хузуридаги Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг ўн бешинчи хатбошисидаги «Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига (кейинги ўринларда — ДПМ)» сўзлари «Адлия вазирлиги хузуридаги Персоналлаштириш агентлигига (кейинги ўринларда — Персоналлаштириш агентлиги)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ДПМда» сўзи «Персоналлаштириш агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 29-банд «а», «б» ва «в» кичик бандларининг иккинчи хатбошиларидаги «Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг» сўзлари «Адлия вазирлиги хузуридаги Персоналлаштириш агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 30-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги ҳамда 37-банддаги «ДПМга» сўзи «Персоналлаштириш агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 38-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ДПМнинг» сўзи «Персоналлаштириш агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 39-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 40<sup>3</sup>-банднинг иккинчи хатбошидаги «ДПМ» аббревиатураси «Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) З-иоловада:

«3-боскич» позициясининг «Тадбирлар» устунидаги «ДПМга» сўзи «Персоналлаштириш агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«4-боскич» позициясининг «Субъектлар» устунидаги «ДПМ» аббревиатураси «Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига рухсат берилган суд экспертизалари турлари рўйхатининг 27-позициясидаги «Суд-иктисодий» сўзлари «Суд-солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида»ги ПҚ-4193-сон қарори 8-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказлар ҳамда Ягона портал орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этиш бўйича тадбирларни ўз вақтида бажариш».

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4463-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи — тўртинчи хатбошилар чиқарib ташлансин;

бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

учинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Миллий архив фондининг ҳужжатларини жамлаш, уларнинг сақланишини, давлат ҳисобига олинишини таъминлаш ва улардан кенг фойдаланишини ташкил қилиш, архив иши ва иш юритиш соҳасида назоратни амалга ошириш»;

в) 3-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) ҳамда идоравий бўйсунувидаги ташкилотлари тузилмаларига бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиши»;

г) 6-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

тўртинчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

д) 7-банд «Агентлик директорига» сўзларидан кейин «Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда» сўзлари билан тўлдирилсан;

е) 1 — 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сон қарори билан тасдиқланган «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини («ЯММТ» ИДАК) жорий қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гурухи таркибининг 14-бандидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази» сўзлари «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсан.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндағи ПҚ-4756-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларни бажаришга масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатининг 33-позицияси «Тўловчилар номи» устунидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази» сўзлари «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсан.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикасида ҳуқук устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4951-сон қарорида:

а) 3-бандда:

«а» кичик банддаги «1 февралга» сўзлари «25 майга» сўзлари билан алмаштирилсан;

«б» кичик банднинг тўртинчи хатбохисидаги «15 майга» сўзлари «30 июнга» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик банднинг биринчи хатбохисидаги «15 июнга» сўзлари «10 июля» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

12-банндаги «1 февралга» сўзлари «25 майга» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банндаги «15 майга» сўзлари «30 июнга» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банндаги «15 июнга» сўзлари «10 июля» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловада:

«1-босқич» позицияси «Муддатлари» устуnidаги «1 февралда» сўзлари «25 майга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«3-босқич» позицияси «Муддатлари» устуnidаги «15 майга» сўзлари «30 июнга» сўзлари билан алмаштирилсин;

«4-босқич» позицияси «Муддатлари» устуnidаги «Худудларда хукуқ устуворлиги индекси эълон қилингандан сўнг 1 ой ичida» сўзлари «Ҳар йили 10 июля қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги «Интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4965-сон қарорининг 14, 15 ва 18-банлари ҳамда қарорга З-илованинг З-банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдағи «Норматив-хукуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5263-сон қарорида:

а) З-бандинг тўртинчи хатбохисидаги «Вазирлар Маҳкамаси қарори билан» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-бандинг «б» кичик бандида:

учинчи хатбошидаги «ҳар ярим йилда» сўзлари «ҳар йили 15 январга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «15 декабрга» сўзлари «15 январга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-бандинг иккинчи хатбохисидаги «ҳар олти ой якунида» сўзлари «ҳар йили 20 январга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдағи ПҚ-20-сон қарори билан тасдиқланган «E-IJARA» ахборот тизимига ва «E-auksion» электрон савдо платформасига интеграция қилиш орқали идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйиладиган вазирликлар ва идоралар рўйхатининг 13-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги «Ўзархив» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПҚ-105-сон қарори билан тасдиқланган «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизими доирасида суриштирув ва тергов органлари билан электрон ҳамкорликни амалга оширучи давлат органлари ҳамда ташкилотлар рўйхатининг 21-бандидаги «Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази» сўзлари «Адлия вазирлиги хузуридаги Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги ПҚ-221-сон қарори билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларининг (индикаторлари) 3-позицияси чиқариб ташлансин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги ПҚ-243-сон қарори билан тасдиқланган 2022 — 2025 йилларда айrim дол зарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиб чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича дастурнинг 5-позицияси «Амалга ошириш механизми» ва «Масъул ижроилар» устунларидаги «Давлат персоналлаштириш маркази» сўзлари «Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-411-сон қарори билан тасдиқланган Фармацевтика маҳсулотлари хисоби ва назорати ахборот тизимида интеграция қилинадиган маълумотлар рўйхатининг 4-позицияси «Маълумот бериш учун масъул ваколатли орган» устунидаги «Давлат персоналлаштириш маркази» сўзлари «Персоналлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**163      Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга  
чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни янада та-  
комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурлари доирасида болаларга онкологик, гематологик ва иммунологик ёрдам кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказини ташкил этиш, унинг кадрлар салоҳиятини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, бу йўналишда тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, диагностика ва даволашнинг замонавий стандартлари, бошқарув усуллари ва молиялаштириш механизмларини кенг жорий этиш бўйича қўшимча чоралар кўриш талаф қилинмоқда.

Профилактика сифатини ошириш, болаларнинг онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш, уларни даволаш қамровини кенгайтириш ва самарадорлигини таъминлаш, республикада юқори технологияли тиббий хизматларни йўлга қўйиш, самарали дори воситалари билан таъминлаш, замонавий диагностика ва даволаш стандартларини амалиётга жорий этиш, давлат тибиёт муассасалари фаолиятини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ушбу соҳада илмий ва кадрлар салоҳиятини яхшилаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида онкологик касалликлар сабабли эрта ўлимни 2,5 баробарга қисқартириш вазифаси белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси соҳасини ривожлантиришнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг болалар сараторнига қарши кураш бўйича Глобал ташаббусида иштирок этиш доирасида 2030 йилгача онкологик касалликларга чалинган болаларнинг омон қолиш даражасини 60 фоизга ошириш;

илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларни диагностика қилиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий протоколлари ва стандартларини жорий этиш;

гемопоэтик ўзак ҳужайралари ва суюк кўмиги ҳужайраларини трансплантация қилишни ривожлантириш;

бемор болаларни зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар билан узлуксиз таъминлаш;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да 2024 йил 23 майда эълон қилинган.

соҳа учун замонавий диагностика, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ушбу йўналишда илфор фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб борилишини ташкилластириш.

### 3. Кўйидагилар:

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази томонидан бемор болаларнинг омон қолиши борасида юқори кўрсаткичларга эришган етакчи хорижий тиббиёт клиникалари билан ҳамкорликда ушбу марказ фаолиятини замонавий тажрибалар асосида ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича келишувга эришилганлиги;

хорижий ҳамкор ташкилот томонидан Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида юқори самарали диагностика қилиш ва даволашнинг клиник стандартлари, протоколлари ва тавсияларини жорий этиш, унинг инфратузилмасини такомилластириш ва жихозлаш, самарали бошқарув тизимини йўлга қўйиш, кадрлар салоҳиятини ошириш жараёнларини ташкил этишга кўмаклашиб бўйича мажбуриятлар олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказига унинг кузатув кенгаши билан келишган ҳолда ушбу марказни ривожлантириш концепциясини (мастер-режа ва бошқа техник ҳужжатларни) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун етакчи хорижий тиббиёт клиникаси ҳамда инжинииринг ва консалтинг компанияси билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга руҳсат берилсин.

Концепцияни ишлаб чиқиша қўйидагилар назарда тутилсин:

халкаро стандартлар асосида республикада гематология ва онкология йўналишида мавжуд тиббиёт муассасалари имкониятларини ўрганиш ва мавжуд инфратузилмадан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

республикада гемопоэтик суюк кўмиги ўзак ҳужайраларини аутологик ва аллоген трансплантация қилишни йўлга қўйиш истиқболларини белгилаш;

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини халкаро стандартлар асосида йўлга қўйиш бўйича бизнес режа ишлаб чиқиш, шу жумладан, яқин хорижий давлатлардан беморларни даволашни йўлга қўйиш.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги жалб қилинган етакчи хорижий тиббиёт клиникаси ҳамда инжинииринг ва консалтинг компанияси томонидан ишлаб чиқилган ривожлантириш концепциясига мувофиқ 2024 — 2026 йилларда:

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 20 миллион АҚШ доллари;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтармаслик шарти билан 20 миллион АҚШ доллари;

Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағлар

доирасида 11 миллион АҚШ доллары эквивалентидаги маблағларнинг ажратилишини таъминласин.

Бунда, ушбу бандга мувофиқ:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлар трансплантация учун зарур шароитлар яратиш, шу жумладан, асептик блокни, лаборатория-диагностика блоки ва симуляция марказини, радиология блоки ва нур терапия бўлимини ташкил қилиш ва жиҳозлаш учун йўналтирилади;

ажратиладиган маблағлар хисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган барча шартномалар «Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан экспертизадан ўтказилади.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб этган ҳолда олти ой муддатда онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларни даволашга ихтисослаштирилган замонавий клиникани барпо этиш ва жиҳозлаш ишларини лойиҳалаш учун тендер эълон қилиш юзасидан таклиф киритсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказини Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта номлаш;

б) Марказ фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича кузатув кенгаши (кейинги ўринларда — Кузатув кенгаши) фаолиятини йўлга қўйиш;

в) Марказ ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш;

г) Марказда онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган болаларни диагностика қилиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг янги моделини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳаси) амалга ошириш.

8. Марказга тажриба-синов лойиҳаси доирасида, истисно тариқасида, учйил муддатга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) Марказнинг тиббиёт амалиётига дунёнинг етакчи клиникаларида қўллаб келинаётган болалар онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларини диагностика қилиш ва даволашнинг клиник стандартлари, протоклари ва тавсияларини, шунингдек, болаларга паллиатив ёрдам кўрсатиш бўйича клиник тавсияларни жорий қилиш;

б) Марказ объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашда илфор хорижий санитария нормалари ва қоидаларини қўллаш;

в) Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ Марказда фойдаланиш учун:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хорижда тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат берилган, шу жумладан, мувофиқлик декларациясига эга бўлган энг янги онкологик, гематологик, иммуноло-

гик, оғриқ қолдирувчи дори воситалари, ҳамроҳ ва қўллаб-қувватловчи терапия препаратлари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани (кейинги ўринларда — фармацевтика маҳсулотларини) тан олиш тартибида давлат рўйхатидан ўтказиш;

фармацевтика маҳсулотларини айрим кўрсаткичлари бўйича сифат назорати ҳамда идентификация орқали ўрнатилган тартибида сертификатлаш шарти билан республикага олиб кириш;

г) лаборатория, радиология, нуклеар тиббиёт ва гемодиализ хизматлари ни кўрсатишга ижара ҳамда аутсорсинг асосида давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларини жалб қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказ билан биргаликда 2026 йил якунига қадар тажриба-синов натижалари юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2024 йил 1 июлдан бошлаб онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган (21 ёш ҳам киради) беморлар Марказда, Болалар миллий тиббиёт маркази, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси ва онкологияси бўлимларида, шунингдек, улар вояга етгунларига қадар ушбу касаллик бўйича тиббий ёрдам кўрсатган бошқа тиббиёт ташкилотларида бепул давола-нишни давом эттиради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда вояга етган онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган шахслар, улар вояга етгунларига қадар тиббий ёрдам кўрсатилган тиббиёт ташкилотларида 22 ёшга етгунларига қадар кузатувда бўлишлари ва даволанишлари мумкин бўлган касалликлар ва ҳолатлар рўйхатини тасдиқласин.

10. Марказ ўрин-жой фонди 2024 йил 1 июндан бошлаб Республика ихтинослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар онкологияси бўлимлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг давлат тиббиёт муассасалари ўрин-жойларини мақбуллаштириш хисобидан 250 тагача кенгайтирилсин.

11. Белгилансинки:

а) Марказ:

молиявий мустақилликка эга бўлган давлат клиник ва илмий-амалий тиббиёт маркази хисобланади;

республикада болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси хизматига бошчилик қиласида ва Болалар миллий тиббиёт марказининг болалар гематологияси ва онкологияси бўлими, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси ва онкологияси бўлими ҳамда туман (شاҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаридаги болалар онкологи ва гематологи шифокорларининг фаолиятига услубий ёрдам кўрсатувчи бош муассаса хисобланади;

онкологик, гематологик, иммунологик ва орфан касалликларга чалинган

болаларга (болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси қисмida) ихтисослаштирилган, шу жумладан, юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатади, уларни тиббий реабилитация қилади;

болалардаги онкологик, гематологик ва иммунологик касалликлар диагностикаси ва уларни даволаш соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни амалга оширади;

б) Марказ директори Кузатув кенгашининг тақдимига биноан соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб Марказ Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали республика бюджетидан харажатлар таснифининг бир сатрида тиббий хизматларнинг базавий нархлари асосида молиялаштирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда Марказда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргалиқда уч ой муддатда Марказ томонидан ташхис қўйиш ва даволаш бўйича стандартларга мувофиқ кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг базавий нархларини тасдиқласин;

г) Кузатув кенгаси Марказнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади;

д) Кузатув кенгасига қўйидаги вазифалар юклатилади:

Марказнинг стратегик ривожланиш дастурларини тасдиқлаш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

Марказнинг устави, тузилмаси, штат меъёрлари ҳамда даромадлар ва харажатлар прогнозларини кўрсатган ҳолда ҳар йиллик бизнес режасини тасдиқлаш;

Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар тақсимотини тасдиқлаш;

илмий ва таълим фаолиятини амалга ошириш ва тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятнинг устувор ўёналишларини белгилаш;

Марказ маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни ташкил қилиш.

Кузатув кенгасига Марказни сақлаш учун ажратиладиган маблағлар доирасида штат бирликлари ва ўрин-жойлар сони, ходимларни моддий рафбатлантириш шартларини белгилаш ҳукуқи берилсин.

12. Белгилаб қўйилсинки:

а) Жамғарманинг маблағлари:

2024 йилдан бошлаб ҳар йили Жамғармага унинг асосланган ҳисобитобларига асосан Давлат бюджетидан Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига ажратилган маблағлар ҳисобидан 100 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдордаги маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий хайриялари;

давлат, хорижий ва халқаро ташкилотлар, чет давлатлар ажратадиган грантлар;

краудфандинг механизмлари орқали келиб тушган маблағлар; вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаширишдан олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади;

б) Жамғармага 2024 йилда ажратиладиган маблағлар биринчи навбатда Марказ инфратузилмасини йўлга қўйиш учун лозим бўлган моддий-техник базани молиялаширишга йўналтирилади.

### 13. Қўйидагилар:

Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказининг кузатув кенгаши таркиби 2-иловага\* мувофиқ;

Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни соғломлаширишга кўмаклашиш жамғармаси фаолиятининг устувор йўналишлари 3-иловага мувофиқ;

Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури 4-иловага\* мувофиқ;

Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси хизматининг ташкилий тузилмаси 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш, шу жумладан, Марказ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси ва онкологияси бўлимларида дунёнинг етакчи клиникаларида қўллаб келинаётган диагностика ва даволашнинг клиник стандартлари, протоколлари ва тавсияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун:

2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар доирасида;

2025 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин ҳамда Давлат тиббий суфуртаси жамғармасига ўтказиб берилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан ке-либ чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти

\* 2, 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 21 май,  
ПҚ-183-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 21 майдаги  
ПҚ-183-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси  
илемий-амалий тиббиёт маркази фаолиятининг устувор  
йўналишлари**

- а) онкологик, гематологик, иммунологик ва орфан (болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси қисмида) касалликларига (кейинги ўринларда — онкологик касалликлар) чалинган болаларга малакали ихтинослаштирилган, шу жумладан, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатишни, шунингдек, уларни тиббий реабилитация қилишни ташкил этиш ва такомиллаштириш;
- б) онкологик касалликларига чалинган болаларни диагностика қилиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг, шу жумладан, илғор хорижий ва маҳаллий тажрибалар ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар натижаларига асосланган юқори технологияли ва кўп маблағ талаб қиласидан амалиётларнинг замонавий протоколлари ва стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илемий-амалий тиббиёт марказида, Болалар миллий тиббиёт марказининг болалар гематологияси ва онкологияси бўлимида, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлардаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематология ва онкологияси бўлимларида жорий этиш;
- в) онкологик касалликларга чалинган болаларни даволаш ва тиббий реабилитация қилишнинг янги усусларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- г) онкологик касалликларга чалинган болаларни болалар онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларини даволаш протоколларига мувофиқ, зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар билан бепул таъминлаш;
- д) гемопоэтик ўзак ҳужайралари ва суяқ кўмиги ҳужайраларини трансплантация қилишни ривожлантириш;
- е) онкологик касалликларни диагностика қилиш ва даволашнинг энг яхши маҳаллий ва хорижий клиник амалиётларини ўрганиш ва умумлаштириш, уларни тажриба-синовдан ўтказиш ва тиббий амалиётга жорий этиш;
- ж) Болалар миллий тиббиёт марказининг болалар гематологияси ва он-

кологияси бўлими, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси ва онкологияси бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги болалар онкологи ва гематологи шифокорларининг фаолиятига услубий жиҳатдан кўмаклашиш;

з) болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси соҳасида илм-фан, техника ва инновацияларни ривожлантириш, ушбу йўналишда илфор фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб борилишини ташкиллаштириш;

и) илфор хорижий ва маҳаллий тажриба асосида болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

к) болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 21 майдаги  
ПҚ-183-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни  
соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси фаолиятининг  
устувор йўналишлари**

а) онкологик ва гематологик, иммунологик ва орфан (болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси қисмида) касалликларга (кейинги ўринларда — онкологик касалликлар) чалинган болаларни ўз вақтида диагностика, даволаш ва реабилитация қилишни ташкил этиш учун республикада ва, зарур ҳолларда, хорижий давлатларда тиббий ёрдам, шу жумладан юқори технологияли ва кўп маблағ талаб қиласиган амалиётларни ўтказиш, ижтимоий ва молиявий ёрдам кўрсатишга кўмаклашиш, уларни болалар онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларини даволаш протоколларига мувофиқ, зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар билан бепул таъминлаш;

б) онкологик касалликларга чалинган болаларнинг таълим олишига кўмаклашиш, шу жумладан махсус ўқув адабиётлари ва қуроллари билан таъминлаш;

в) Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказини дори воситалари, тиббий буюмлар, реактивлар ва реагентлар билан таъминлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш (таъмирлаш, жиҳозлаш ва бошқалар);

г) болалар онкологияси, гематологияси, клиник иммунология ва орфан касалликлари, уларнинг реабилитацияси соҳаси, лаборатория йўналишлари мутахассисларининг хориждаги етакчи илмий ва тиббий марказларда малада.

касини ошириш ва стажировка ўташига, интернатура, клиник ординатура, магистратура ва докторантурада (PhD ва DSc) ўқишига кўмаклашиш;

д) онкологик касалликларни даволаш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларининг ташкилий, илмий, таълим ва даволаш фаолиятига етакчи хорижий тиббиёт ва илмий-тадқиқот муассасаларидан эксперталарни жалб қилиш;

е) онкологик касалликларни диагностика қилиш ва даволаш соҳасида илфор илмий тадқиқотларни молиялаштириш;

ж) мутахассисларни ўқитишнинг инновацион усулларини жорий қилиш ҳамда ўқув семинарлари, конференциялар ва маҳорат дарсларини ўтказишига кўмаклашиш;

з) Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг ходимларини моддий рафбатлантириш;

и) онкологик касалликларга чалинган болаларга ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатишга қаратилган бошқа чора-тадбирларни молиялаштириш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 21 майдаги  
ПҚ-183-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қўйидаги мазмундаги 48-банд билан тўлдирилсин:

«48. Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) томонидан етказиб берувчилардан Марказнинг кузатув кенгashi томонидан тасдиқланадиган экспертлик, илмий ва бошқа маслаҳат хизматларини, Марказнинг кузатув кенгashi томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича лаборатория ва диагностика ускуналари, товар-моддий бойликлар, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, сарфлаш материалларини, шунингдек, Марказ фаолиятининг устувор йўналишларини амалга ошириш учун товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилиш».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-300-сон қарорининг 3-банди иккинчи хатбошисидан «Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ҳамда» сўзлари чиқарип ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори би-

лан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тибиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 2-иловаси I бўлими 1.10.-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.10. Онкология ва гематология муассасаларининг кимё-терапия бўлимлари, онкология ва гематология, суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансплантация қилиш, суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини трансфузиологик аферез қилиш бўлимлари ҳамда жарроҳлик бўлимлари.

Номларидан қатъи назар, врачлар, ўрта ва кичик тибиёт ходими лавозимлари».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**164 Тадбиркорлик субъектларига субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларни тақдим этиш тартибларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги «Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-39-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларни тақдим этиш тартибларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги «Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-39-сон қарорига мувофиқ:

қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш ва қўшимча рафбатлантиришни назарда тутивчи Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги (кейинги ўринларда — рейтинг) жорий этилганлиги;

тадбиркорлик субъектларига субсидиялар, имтиёзлар ва преференциялар уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиқсан ҳолда жорий этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига субсидиялар, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар (кейинги ўринларда — қўллаб-қувватлаш чоралари) уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги тартибда жорий этилади:

а) қўллаб-қувватлаш чоралари «В» ва ундан юқори рейтинг даражасига эга тадбиркорлик субъектларига амалдагисига нисбатан қўйидаги миқдорларда тақдим этилади:

«AAA» тоифа — амалдаги миқдорнинг 100 фоизи;

«AA» тоифа — амалдаги миқдорнинг 90 фоизи;

«A» тоифа — амалдаги миқдорнинг 80 фоизи;

«BBB» тоифа — амалдаги миқдорнинг 70 фоизи;

«BB» тоифа — амалдаги миқдорнинг 60 фоизи;

«B» тоифа — амалдаги миқдорнинг 50 фоизи;

б) қўллаб-қувватлаш чоралари рўйхатдан ўтганига олти ой бўлмаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287-сон Фармонига мувофиқ 4 ва 5-тоифадаги туманларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига уларнинг рейтинг даражасидан қатъи назар амалдаги миқдорларда тақдим этилади;

в) тадбиркорлик субъектларининг рейтинг даражаси:

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 25 майда эълон қилинган.

пасайган тақдирда, қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш уч ой давомида сақлаб қолинади;

юқорилаган тақдирда, қўллаб-қувватлаш чоралари кейинги ойдан бошлаб янгиланган рейтинг даражасига мувофиқ микдорларда тақдим этилади.

Белгилансинки, мазкур бандда белгиланган мезонлар ушбу қарор қабул қилингунга қадар жорий этилган қўллаб-қувватлаш чораларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларни мақбуллаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 1-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

4. Республика комиссияси (Ж. Қўчқоров) 2024 йил 1 октябрга қадар қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

амалдаги барча қўллаб-қувватлаш чораларини хатловдан ўтказган ҳолда, уларнинг иқтисодиётта ва соғлом рақобат мухитига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича тубдан қайта қўриб чиқиш;

туман ва шаҳар тоифасидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш тартиби натижадорлигини баҳолаш;

қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этишда тадбиркорлик субъектлари томонидан эришилиши лозим бўлган аниқ мақсадли қўрсаткичларни белгилаш тартибини жорий этиш;

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этиладиган соҳалар, тармоқлар ва фаолият ўйналишлари доирасини аниқ белгилаш;

қонунчилик хужжатларига имтиёзлар ва преференциялар тушунчаси, турлари ва шаклларини тўлиқ ифодалайдиган нормаларни киритиш;

қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланиш самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш, мақсадсиз фойдаланилган маблағларни мажбурий тартибда қайтариш тартибини жорий этиш;

қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланиш натижадорлиги тўғрисидаги маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш;

таҳлиллар ва баҳолаш натижалари бўйича самарасиз деб топилган қўллаб-қувватлаш чораларини бекор қилиш.

##### 5. Белгилансинки:

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳар йили 1 июлга қадар қўллаб-қувватлаш чораларининг соғлом рақобат мухитига таъсирини баҳолайди ҳамда баҳолаш натижаларини Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритади;

2-иловага\* мувофиқ рўйхатда келтирилган вазирлик ва идоралар (кеянги ўринларда — манфаатдор вазирлик ва идоралар) ҳар йили 1 июлга қадар тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган қўллаб-қувватлаш чоралари ҳамда уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги ҳисботларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади;

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда ҳар йили 1 августга қадар қўллаб-қувватлаш чораларининг самарадорлигини баҳолаш якунлари бўйича Республика комиссиясига ахборот киритиб боради;

Республика комиссияси ҳар йили 1 октябрга қадар қўллаб-қувватлаш чораларининг самарадорлигини баҳолаш якунлари бўйича маълумотномани ҳамда ушбу чораларнинг амал қилишини давом эттириш, бекор қилиш ёки уларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб боради.

#### 6. Манфаатдор вазирлик ва идоралар:

2024 йил 1 июлга қадар солик ва божхона имтиёзларини бериш учун асос бўладиган (лицензия, гувоҳнома ва бошқалар) хужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун Солик ва Божхона қўмиталари билан ўзаро маълумот алмашиш амалиётини йўлга кўйисин;

2025 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган қўллаб-қувватлаш чораларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни тегишли ахборот тизимларида идоралароро ахборот алмашинуви орқали мониторинг қилиш тартибини жорий этсин.

7. 2025 йил 1 январдан бошлаб «subsidiya.mf.uz» платформасида тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш чораларининг турлари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олган алоҳида реестр юритилиши йўлга қўйилсин.

Бунда қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақидаги маълумотлар манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «subsidiya.mf.uz» платформасига мажбурий тартибда киритилади.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар уч ой муддатда тегишлича қўллаб-қувватлаш чораларини хатловдан ўтказган ҳолда, «subsidiya.mf.uz» платформасида алоҳида реестрни юритиш учун қўллаб-қувватлаш чоралари рўйхатини ва улар ҳақидаги маълумотларни тақдим этсин.

8. Солик қўмитаси, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 декабрга қадар «Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги» электрон платформаси ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ахборот тизими «subsidiya.mf.uz» платформасига интеграция қилинишини таъминласин.

#### 9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

а) уч ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

#### б) 2024 йил 1 октябрга қадар:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик субъектларига субсидиялар, имтиёзлар ва преференциялар тақдим этилишини тизимли мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартибини (методологиясини) ишлаб чиқсан ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

Ҳисоб палатаси билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари томонидан

мақсадсиз фойдаланилган ҳамда асоссиз олинган субсидияларни қайтариб олиш тартибини ишлаб чиқсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчкоров белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 24 май,  
ПҚ-193-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**165 Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
20-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2696-4*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruving 2015-yil 13-iyundagi 14/5-son qarori (ro'yxat raqami 2696, 2015-yil 14-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 28-son, 374-modda) bilan tasdiqlangan Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran bir oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais**

**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 22-aprel,  
11/2-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 21-mayda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
 Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil  
 22-apreldagi 11/2-son qaroriga  
 ILOVA

**Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Mazkur Nizom tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralar (bundan buyon matnda zaxiralar deb yuritiladi) shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibini belgilaydi".

2. 1<sup>3</sup>-banddag'i "Moliya" degan so'z "Iqtisodiyot va moliya" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 10-bandning uchinchi xatboshisi chiqarib tashlansin.

4. Quyidagi mazmundagi 12<sup>1</sup>-band bilan to'ldirilsin:

"12<sup>1</sup>. "Substandart" deb tasniflangan aktivning asosiy qarzi va (yoki) foizlari bo'yicha muddati o'tgan qarzdorliklar to'liq to'langandan so'ng aktivning sifati qaytarish grafigiga asosan ketma-ket 3 ta to'lov o'z vaqtida va to'liq to'langanda hamda mazkur Nizomning 9-bandi talablariga muvofiq bo'lgan holda yaxshilanganda, ushbu aktivning sifati "standart" deb tasniflanishi mumkin.".

5. Quyidagi mazmundagi 14<sup>1</sup>-band bilan to'ldirilsin:

"14<sup>1</sup>. Aktivning sifati "qoniqarsiz" deb tasniflangandan so'ng (bundan shartlari qayta ko'rib chiqilgan aktiv mustasno) ushbu aktiv sifati mazkur Nizomning 9-bandi yoki 12-bandni talablariga muvofiq bo'lgan holda yaxshilansa, mazkur aktiv sifati "substandart" deb tasniflanishi mumkin.".

6. Quyidagi mazmundagi 17<sup>1</sup>-band bilan to'ldirilsin:

"17<sup>1</sup>. Aktivning sifati "shubhali" deb tasniflangandan so'ng (bundan shartlari qayta ko'rib chiqilgan aktiv mustasno) ushbu aktiv sifati mazkur Nizomning:

9 yoki 12-bandi talablariga muvofiq bo'lgan holda yaxshilansa — aktiv sifati "substandart";

14-bandi talablariga muvofiq bo'lgan holda yaxshilansa — aktiv sifati "qoniqarsiz" deb tasniflanishi mumkin.".

7. 19-banddag'i "Shartnomada belgilangan muddatda qaytarilmagan yoki qaytmasligidan" degan so'zlar "Qaytmasligidan" degan so'z bilan almashtirilsin.

8. 20-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"20. Quyida keltirilgan omillardan hech bo'lmaganda bittasi mavjud bo'lsa, aktivlarning sifati "umidsiz" deb tasniflanadi:

garov hisobidan undirilgan ko'chmas mulk va boshqa mol-mulklar tijorat banki tomonidan balansga qabul qilingan kundan boshlab bir yil muddatda sotilmagan bo'lsa;

bank faoliyatini amalga oshirish uchun zaruriyati mavjud bo'lmagan (foydalanilmaydigan) ko'chmas mulk va boshqa mol-mulklar (bundan garov

hisobidan undirilgan ko‘chmas mulk va boshqa mol-mulklar mustasno) uch yil muddatda sotilmagan yoki foydalanilmagan bo‘lsa;

qarzdorning 2-son kartotekasida muddati 366 kun va undan ortiq kunga kechiktirilgan to‘lov hujjatlari mavjud bo‘lsa;

asosiy qarz va (yoki) foizlar bo‘yicha 366 kun va undan ortiq kunga muddati o‘tgan qarzdorlik mavjud bo‘lsa.”.

9. Quyidagi mazmundagi 20<sup>1</sup>-band bilan to‘ldirilsin:

“20<sup>1</sup>. Aktivning sifati “umidsiz” deb tasniflangandan, shu jumladan balansdan tashqari hisobvaraqa aks ettirilgandan so‘ng (bundan shartlari qayta ko‘rib chiqilgan aktiv mustasno) ushbu aktiv sifati mazkur Nizomning:

9 yoki 12-band talablariga muvofiq bo‘lgan holda yaxshilansa — aktiv sifati “substandart”;

14-band talablariga muvofiq bo‘lgan holda yaxshilansa — aktiv sifati “qoniqarsiz”;

17-band talablariga muvofiq bo‘lgan holda yaxshilansa — aktiv sifati “shubhali” deb tasniflanishi mumkin.

Bunda, balansdan tashqari hisobvaraqa aks ettirilgan aktivlarning keyingi hisobini yuritish maqsadida ushbu aktivlar balansning tegishli ssuda hisobvarag‘iga o‘tkazilishi mumkin.”.

10. 29-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“shartlar qayta ko‘rib chiqilishining asoslari yoki sabablari, shu jumladan qarz oluvchining moliyaviy holatiga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi omillarning yuzaga kelganligi;”.

11. 30 — 30<sup>3</sup>-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“30. Aktivning shartlari birinchi marta qayta ko‘rib chiqilishi ushbu aktivning sifati bo‘yicha avvalgi tasnifini o‘zgartirmaydi.

Aktivning shartlari qayta ko‘rib chiqilishi bilanoq ushbu aktivning sifati yaxshiroq toifada tasniflanishi mumkin emas.

Aktivning shartlari ikkinchi marta qayta ko‘rib chiqilsa, ushbu aktivning sifati shartlari qayta ko‘rib chiqilishidan oldingi toifadan bir pog‘onaga past bo‘lishi kerak.

Aktivning shartlari uch yoki undan ortiq marotaba qayta ko‘rib chiqilsa, ushbu aktivning sifati “umidsiz” toifada tasniflanadi va u yaxshiroq toifaga qayta tasniflanishi mumkin emas.

30<sup>1</sup>. Shartlari qayta ko‘rib chiqilgan aktiv sifati “substandart”, “qoniqarsiz” yoki “shubhali” deb tasniflangandan keyin qaytarish grafigiga asosan kamida ketma-ket 3 ta to‘lov (asosiy qarz, foiz va boshqa to‘lovlar) to‘liq va o‘z vaqtida to‘langan taqdirda, bunday aktiv sifatining tasnifi bir toifaga yaxshilab borilishi mumkin.

Bunda, aktivlarni qaytarish grafigi bo‘yicha to‘lov boshlangan oydan shartnomaning oxirgi muddatiga qadar har oyda teng (proporsional) to‘lovlar asosida qaytarilishi belgilangan taqdirda ketma-ket 3 ta to‘lov, aks holda shu miqdorga teng 3 tadan ko‘proq to‘lovlar o‘z vaqtida va to‘liq to‘lanishi lozim.

30<sup>2</sup>. Shartlari qayta ko‘rib chiqilgan hamda sifati “umidsiz” deb tasniflangan aktiv bo‘yicha muddati o‘tgan qarzdorliklar (asosiy qarz, foiz va boshqa to‘lovları)

to‘liq to‘langanda va grafikka asosan kamida 6 oy davomida hamda aktiv asosiy qarz qoldig‘ining 10 foizidan kam bo‘lmagan miqdorda qarzdorliklari to‘liq va o‘z vaqtida to‘langan taqdirda, ushbu aktivning sifati “shubhali” deb tasniflanishi mumkin.

Bunda, aktivlarni qaytarish grafigi bo‘yicha to‘lov boshlangan oydan shartnomaning oxirgi muddatiga qadar har oyda teng (proporsional) to‘lovlari asosida qaytarilishi belgilangan taqdirda ketma-ket 6 ta to‘lov, aks holda shu miqdorga teng 6 tadan ko‘proq to‘lovlari o‘z vaqtida va to‘liq to‘lanishi lozim.

30<sup>3</sup>. Qonunchilik hujjatlari bilan favqulodda vaziyatlarning oldini olish yoki ularning oqibatlarini bartaraf etish, yuqumli va parazitar kasalliklar tarqalishining oldini olishga qaratilgan chekllovchi tadbirlar (karantin) belgilanishi natijasida qarzdor tomonidan bank oldidagi majburiyatni bajarish yoki lozim darajada bajarish imkoniyati bo‘lmagan, aktivlar sifatini tasniflash, zaxira yaratish va aktivlarning shartlarini qayta ko‘rib chiqilmagan deb hisoblanishi Markaziy bank tomonidan belgilanishi mumkin.”.

12. 33 va 33<sup>7</sup>-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

13. 34-bandning oltinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:  
“bankka dividend yoki foiz ko‘rinishida daromad keltirganda;”.

14. 51-bandda:

birinchi xatboshidagi “Ko‘zda tutilmagan holatlar” hisobvarag‘iga” degan so‘zlar “balansdan tashqari hisobvaraqqqa” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinci xatboshi “bekor bo‘ladigan” degan so‘zlardan keyin “yoki shartnomada nazarda tutilgan” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

15. 52 va 53-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“52. Hukumatning qaroriga ko‘ra markazlashtirilgan resurslar yoxud boshqa mablag‘lar hisobidan berilgan kreditlar hisobidan shakllangan “umidsiz” aktivni balans hisobvaraqlaridan balansdan tashqari moddalarga o‘tkazilishi Hukumat yoxud Markaziy bank oldidagi qarzlarning bekor qilinishiga olib kelmaydi va tijorat banki tomonidan Hukumat yoxud Markaziy bank oldidagi qarzlar qaytarilishi shart.

53. Agar qarzdor tomonidan balansdan tashqari moddalarda hisobga olinadigan aktiv bo‘yicha qarz tijorat banki tomonidan ushbu qarzni undirish bo‘yicha ko‘rilgan barcha chora-tadbirlarga qaramasdan, u bu hisobvaraqlarga o‘tkazilgandan keyin besh yil davomida to‘lanmasa yoki bank ushbu aktivdan voz kechsa, u holda ushbu aktiv (asosiy qarzlar ham, foizlar ham) tijorat banki Kengashining tavsiyasi asosida aksiyadorlar umumiyligiga yig‘ilishida tasdiqlangan qaroriga ko‘ra hisobdan chiqarilishi mumkin.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**166 To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarning to'lov tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda raqamli texnologiyalar vositasida sodir etiladigan huquqbazarliklarni oldini olish choralarini ko'rish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
21-mayda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3513*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "Kiberxavfsizlik to'g'risida"gi qonunlari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 30-noyabrdagi PQ-381-son "Raqamli mahsulotlar (xizmatlar) iste'molchilari huquqlarini himoya qilish va raqamli texnologiyalar vositasida sodir etiladigan huquqbazarliklarga qarshi kurashishni kuchaytirish choralarini to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarning to'lov tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda raqamli texnologiyalar vositasida sodir etiladigan huquqbazarliklarni oldini olish choralarini ko'rish to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 11-iyundagi 13/10-son "To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarining to'lov tizimlarida axborot xavfsizligini ta'minlash to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 3268, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3268/1112-son) o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

3. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati, Raqamli texnologiyalar vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Istiqbolli loyihalar milliy agentligi hamda Elektron texnologiyalarini rivojlantirish markazi bilan kelishilgan.

4. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais**

**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 24-aprel,  
13/1-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 22-mayda e'lon qilingan.

*Kelishildi:*

*Davlat xavfsizlik xizmati raisi*

*A. AZIZOV*

*2024-yil 19-aprel*

*Raqamli texnologiyalar vaziri*

*Sh. ShERMATOV*

*2024-yil 29-mart*

*Ichki ishlar vaziri*

*P. BOBOJONOV*

*2024-yil 1-aprel*

*Istiqlolli loyihalar milliy  
agentligi direktori*

*D. LI*

*2024-yil 23-aprel*

*Elektron texnologiyalarni  
rivojlantirish markazi boshlig'i*

*O. XODJAKBAROV*

*2024-yil 23-aprel*

O'zbekiston Respublikasi  
 Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil  
 24-apreldagi 13/1-son qaroriga  
 ILOVA

**To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarining to'lov tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda raqamli texnologiyalar vositasida sodir etiladigan huquqbuzarliklarni oldini olish choralarini ko'rish to'g'risidagi**

**NIZOM**

Mazkur Nizom to'lov tizimi operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarining to'lov tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda raqamli texnologiyalar vositasida sodir etiladigan huquqbuzarliklarni oldini olishga doir talablarni belgilaydi.

**1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:  
**avtorizatsiya** — ma'lum shaxsga yoki shaxslar guruhiga muayyan harakatlarni amalga oshirish huquqini berish;  
**autentifikatsiya** — foydalanuvchi, dastur, qurilma yoki ma'lumotlarning haqiqiyligini tasdiqlash tartib-taomili;  
**identifikatsiya** — to'lov tizimlari subyektlariga identifikator tayinlash va/ yoki belgilangan identifikatorlar ro'yxati bilan identifikatorlarni taqqoslash;  
**kriptografik kalit** — elektron raqamli imzoni hisoblash yoki tekshirish, shuningdek shifrlash va dastlabki matnga o'girish uchun qo'llaniladigan simvollar ketma-ketligi;  
**masofaviy xizmat ko'rsatish tizimi** — elektron xizmatlardan foydalanish uchun to'lov xizmatlaridan foydalanuvchi va ushbu xizmatlarni yetkazib beruvchi o'rtasidagi aloqani ta'minlaydigan telekommunikatsiya vositalari, raqamli va axborot texnologiyalari, dasturiy ta'minot va uskunalar majmui;  
**muhim to'lov tizimlari operatorlari** — to'lov tizimining ishidagi to'xtalishlar (uzilishlar) O'zbekiston Respublikasi to'lov xizmatlari bozorida tavakkalchiliklarning paydo bo'lishiga olib kelishi mumkin bo'lgan hamda O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) tomonidan muhim to'lov tizimi jumlasiga kiritilgan to'lov tizimining operatori hisoblangan yuridik shaxs;  
**to'lov** — pul majburiyatini naqd pul mablag'lari bilan bajarish yoxud pul mablag'larini to'lov vositalaridan foydalangan holda o'tkazish;  
**to'lov agenti** — bank yoki to'lov tashkiloti bilan to'lov xizmatlari ko'rsatish uchun agentlik shartnomasini tuzgan, bank hisoblanmaydigan yuridik shaxs;  
**to'lov subagenti** — to'lov agenti bilan to'lov xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha subagentlik shartnomasini tuzgan, bank hisoblanmaydigan yuridik shaxs yoki yakka tartibdagi tadbirkor;

**to'lov tashkiloti** — bank hisoblanmaydigan, to'lov xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha faoliyatni amalga oshirishga vakolatli bo'lgan yuridik shaxs;

**to'lov tizimlari operatorlari** — O'zbekiston Respublikasi hududida to'lov tizimining ishlashini ta'minlash bo'yicha faoliyatni amalga oshiruvchi yuridik shaxs;

**to'lov tizimining ishtirokchilari** — to'lov tizimi operatori bilan hisob-kitoblarni amalga oshiruvchi va to'lov tizimlarida ishtirok etish to'g'risida shartnomma tuzgan banklar;

**to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar** — O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki, banklar, to'lov tashkilotlari, to'lov agentlari, to'lov subagentlari;

**kliring** — to'lov tizimi ishtirokchilarining pulga doir o'zaro talablari va majburiyatlarini yig'ish, taqqoslash hamda hisobga o'tkazish jarayoni;

**elektron pullar** — elektron pullar emitentining elektron shaklda saqlanadigan hamda elektron pullar tizimida to'lov vositasi sifatida qabul qilinadigan shartsiz va chaqirib olinmaydigan pul majburiyatları;

**axborotlashtirish obyekti** — turli darajadagi va maqsadlardagi axborot tizimlari, telekommunikatsiya tarmoqlari, axborotga ishlov berishning texnik vositalari, ushbu vositalar o'rnatilgan va ishlatiladigan xonalar, shuningdek muzokaralar, shu jumladan maxfiy muzokaralar olib borish uchun mo'ljallangan alohida xonalar;

**antifrod tizimi** — bank kartalari va hisobvaraqlari, mobil ilovalar akkauntlari hamda elektron hamyonlar yordamida to'lovlarni amalga oshirishda sodir etiladigan firibgarlikni oldini olishga qaratilgan jarayonlar yig'indisi;

**frod** — axborot texnologiyalarini qo'llagan holda sodir etiladigan firibgarlik harakatlari;

**axborot xavfsizligi** — axborot munosabatlarining subyektlariga nomaqbul ziyonlarni keltirishi mumkin bo'lgan tabiiy yoki sun'iy xususiyatli tasodifiy yoki qasddan qilingan ta'sirlardan axborot va ta'minlab turadigan infratuzilmaning muhofaza qilinganligi;

**kiberxavfsizlik** — kibermakonda shaxs, jamiyat va davlat manfaatlarining tashqi va ichki tahdidlardan himoyalanganlik holati;

**xavfsizlik rejimi** — normativ-huquqiy hujjatlar va texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar bilan belgilangan, ma'muriy-huquqiy, tashkiliy, injener-texnik va boshqa chora-tadbirlarni o'z ichiga oladigan, tashkilotning konfidensial ma'lumotlaridan noqonuniy foydalanishning oldini olishni ta'minlovchi tartib.

## 2-bob. To'lovlar to'g'risidagi axborotni himoya qilish

2. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar o'zlarining axborot tizimlari xususiyatlaridan kelib chiqib, axborot xavfsizligi siyosatini ishlab chiqadi.

3. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar to'lovlar to'g'risidagi axborotni shakllantirish, uzatish, saqlash va unga ishlov berishning barcha bosqichlarida to'lovlar to'g'risidagi axborotni uzlucksiz himoya qilish uchun quyidagi choralarни ko'rishlari lozim:

identifikasiya, autentifikasiya va avtorizatsiya qilish tizimini joriy etish; tizimga ruxsatsiz kirishning oldini olish usullarini (login, parol, biometrik identifikasiya, ikki faktorli autentifikasiya (2FA) va boshqa) qo'llash; to'lov hujjati va identifikasiya ma'lumotlarini qalbakilashtirish, ularni ruxsatsiz o'zgartirish hamda uchinchi shaxslarga taqdim etishdan himoyalash; to'lov axborotlari shakllantirilishini, to'lov hujjatining haqqoniyligi tekshirilishini va ularga ishlov berilishini hamda asosli o'zgartirishlar kiritilishini ta'minlash va nazorat qilish; to'lov hujjatlarini uzatishda ushbu hujjatning asl egasiga yetkazilishini hamda boshqa shaxslarga jo'natilishining oldi olinishini ta'minlash; amalga oshirilgan to'lovga oid ma'lumotlarni saqlashda ularni ruxsatsiz ko'chirish, o'zgartirish, o'chirish hamda uchinchi shaxslarga jo'natilishining oldini olish choralarini ko'rish; tashqi saqlovchiga ko'chirilgan to'lovga oid ma'lumotlarning seyfda (temir shkafda) saqlanishini ta'minlash hamda ma'lumotlarni saqlash uchun mas'ul xodim (xodimlar) tayinlash; axborot tizimlaridagi dasturiy ta'minotlarning nazoratini va hisobini yuritish hamda axborot tizimlaridagi dasturiy ta'minot talqinlarining, apparat-dasturiy qurilmalarining va dasturiy vositalarining uzlusiz ishlashini ta'minlash; axborot tizimlarining aktual holatda (oxirgi versiya) bo'lishini ta'minlash, bunda dasturiy ta'minotning yangi talqinini tekshiruvdan o'tkazgandan so'ng axborot tizimiga joriy etish; to'lov axborotlariga ishlov berish, ularni uzatish hamda saqlash jarayonlarini elektron bayonnomalarda avtomatik tarzda shakllantirib borish hamda ularning saqlanishini ta'minlash; axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmati hamda bank va to'lov tizimlarida shubhali fird operatsiyalarga qarshi choralar ko'rish xizmatlarini tashkil etish, shuningdek axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda bank kartalari bilan bog'liq shubhali (fird) operatsiyalarga qarshi choralar ko'rish bo'yicha amalga oshiriladigan ishlarni nazorat qilish; hisoblash tarmog'ining xavfsizligi va kriptografik muhofazasini ta'minlash, kompyuter viruslaridan himoyalash, axborot tizimlariga kirishni boshqarish, texnik vositalarini sozlash va boshqa choralarini qo'llash; axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda bank kartalari bilan bog'liq shubhali (fird) operatsiyalarga qarshi choralar ko'rish uskunalar, qurilmalar, apparat-dasturiy va dasturiy texnik vositalari qo'llanishini ta'minlash hamda ularni muntazam takomillashtirib borish, foydalanish tartiblarini belgilash, ularga texnik xizmat ko'rsatish, ta'mirlash va boshqa holatlarda ulardan ko'zda tutilmagan tarzda ruxsatsiz foydalanishning oldini olish; qo'llanilayotgan texnik vositalarga barcha telekommunikatsiya tarmoqlaridan ruxsatsiz kirish, ulardag'i ma'lumotlarni o'zgartirish, o'chirish, ko'chirib olishdan himoyalash; axborotlarni chiqib ketishi (yo'qolishini) oldini olish; axborot tizimiga ruxsatsiz kirish yoki kiberxavfsizlik hodisalari sodir etilganda, ularni tahlil qilish asosida himoya tizimlarini mustahkamlab borish choralarini ko'rish.

4. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar dasturlarga va operatsion tizimga zarar keltiruvchi zararli kodlar (kompyuter viruslari) va ularning salbiy ta'sirining oldini olish uchun quyidagi choralarни ko'rishi kerak:

hisoblash texnikasi qurilmalari (serverlar, kompyuterlar va boshqalar), bankomat, embosser va to'lov terminallarining (texnik imkoniyatidan kelib chiqib) ish faoliyatiga zarar yetkazuvchi kodlarni (kompyuter viruslarini) aniqlash va ularning salbiy ta'sirining oldini olish choralarini ko'rish;

axborot tizimlarida faqat litsenziyalangan antivirus dasturidan foydalanish, ularning rusumlari va bazalari aktualligi hamda yangilanib borilishini ta'minlash;

antivirus dasturlarining avtomatik tarzda ishlashini ta'minlash;

internet va korporativ tarmoqlar orqali kelgan barcha axborotlarni antivirus dasturi orqali tekshirish.

5. To'lov tizimlarida axborotni muhofaza qilishning kriptografik usullari qo'llanilishi va to'lov tizimi qoidalarida quyidagilar belgilab berilishi lozim:

criptografik muhofaza vositalarini avtomatlashtirilgan tizimlarga bog'lash, ishga tushirish, ishlatalish va foydalanishdan chiqarish tartibi;

criptografik muhofaza vositalarining to'xtab qolishi, ishdan chiqishi va boshqa favqulodda holatlarda ularni qayta tiklash tartibi;

criptografik muhofaza dasturlariga va texnik hujjatlariga o'zgartirishlar kiritish tartibi;

criptografik kalitlarni boshqarish tartibi;

criptografik kalitlarni tashuvchi qurilmalarni qo'llash, saqlash, o'zgartirish va boshqalar bo'yicha tashkiliy, texnikaviy usullarni qo'llash tartibi.

To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki bilan axborot almashinuvida axborot xavfsizligi hamda kiberxavfsizlikni ta'minlashlari shart.

6. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarning axborotlashtirish obyektlariga ruxsatsiz kirish hamda foydalanishni chegaralash maqsadida quyidagi choralar ko'riliishi kerak:

axborotlashtirish obyektlariga, shu jumladan, bankomat, to'lov terminallari va to'lov o'tkazish elektron qurilmalariga jismonan ta'sir etishni hamda texnik jihozlar mavjud bo'lgan bino va xonalarga kirishni nazorat qilish;

to'lovlarni amalga oshirishda qo'llaniladigan avtomatlashtirilgan tizimlar, dasturlar, hisoblash texnikalari, telekommunikatsiya qurilmalari parametrlari va tuzilmalari hamda to'lov tizimida ishlash huquqini beruvchi ma'lumotlarni (parol, biometrik va boshqa ma'lumotlar) o'z ichiga olgan texnik vositalarning jismoniy muhofazasini (xavfsizlik rejimini) ta'minlash va ruxsatsiz ta'sir etishning oldini olish;

to'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarning xodimlari axborotlashtirish obyektlariga kirishini nazorat qilish va ma'lumotlarni ruxsatsiz tarqalishidan himoyalash tizimlarini joriy qilish;

serverlar va telekommunikatsiya qurilmalari joylashgan xonalarda ishlash jarayonlarini videokuzatuv tizimlari yordamida nazorat qilish.

7. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar

quyidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan axborot tizimlarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta'minlashlari kerak:

bank (karta) hisobvarag'ida pul mablag'lari qoldiqlari to'g'risidagi ma'lumotlar; elektron pullar qoldiqlari to'g'risidagi ma'lumotlar; amalga oshirilgan to'lovlar to'g'risidagi ma'lumotlar; naqd pulsiz hisob-kitoblarni o'z ichiga olgan ma'lumotlar; banklararo to'lov va kliring tizimlari to'lov ma'lumotlari; kriptografik muhofazani ta'minlash uchun qo'llaniladigan kriptografik kalitlar; to'lovlarни amalga oshirishda qayta ishlanadigan konfidensial axborotlarni (bank siri, shaxsga doir ma'lumotlar va boshqa qonun bilan muhofaza qilinadigan ma'lumotlar);

mijozlarning bank kartalari, akkauntlari va identifikasiyadan o'tganligi to'g'risidagi ma'lumotlar.

8. To'lov tizimlari operatorlari yoki to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar masofadan to'lov xizmatlarini ko'rsatuvchi axborot tizimlarini (mobil ilova, internet banking va boshqalar) (bundan buyon matnda masofaviy axborot tizimlari deb yuritiladi) amaliyotga joriy etish hamda ularga o'zgartirish kiritishdan avval quyidagilarni ta'minlashlari lozim:

masofaviy axborot tizimlarining to'lovlarini o'tkazish bilan bog'liq barcha funksiyalarini sinov (test) tarzida to'liq tekshiruvdan o'tkazishni ta'minlash;

masofaviy axborot tizimlarini texnik topshiriqlar, ularni texnik topshiriqqa va kiberxavfsizlik talablariga muvofiqligi yuzasidan ekspertizadan o'tkazish hamda ularning natijalari bo'yicha ekspertiza xulosalarini Markaziy bankka taqdim etish;

masofaviy axborot tizimlarini uyali aloqa darajasida axborot xavfsizligini ta'minlash tizimi, Markaziy bankning markazlashgan antifrod hamda zamonaviy biometrik identifikasiya tizimlariga ulanishini ta'minlash;

dasturlarni ishlatish bo'yicha yo'rqnomalarni ishlab chiqish va ularning aktualligini ta'minlagan holda mijozlarga taqdim etish;

aniqlangan zaifliklarni bartaraf etish uchun o'zgarishlar kiritilishini ta'minlash; mijozlar qo'llayotgan dasturlarning aktualligini nazorat qilish.

To'lov tizimlari operatorlari yoki to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar masofaviy axborot tizimlarining yangi talqinini (versiyasini) joriy etganidan so'ng eski talqindan (versiyadan) foydalanishni cheklashi va yangi talqinga (versiyaga) o'tishi (yangilashi) lozim.

9. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar o'zaro to'lov axborotlari va to'lov axborotlariga tegishli bo'lgan ma'lumotlar almashinuvini telekommunikatsiya tarmoqlari orqali amalga oshirish uchun tomonlarning axborotlashtirish obyektlari xususiyatlaridan kelib chiqib, ularning vazifalari, javobgarliklari va mazkur Nizom talablarini o'z ichiga olgan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta'minlash, shuningdek bank kartalari bilan bog'liq shubhali (frod) operatsiyalarga qarshi choralar ko'rish qoidalarini ishlab chiqishi kerak.

10. To'lov agenti tomonidan bank yoki to'lov tashkiloti bilan to'lov xizmatlarini ko'rsatish uchun tuzilgan agentlik shartnomasida axborot xavfsizligi bo'yicha tomonlarning mas'uliyatlari belgilangan bo'lishi kerak.

11. To'lov subagenti tomonidan to'lov agenti bilan to'lov xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha tuzilgan subagentlik shartnomasida axborot xavfsizligi bo'yicha tomonlarning mas'uliyatlari belgilangan bo'lishi kerak.

### **3-bob. To'lov axborotlarining konfidensialligi hamda ulardagi shaxsga doir ma'lumotlarni himoya qilish**

12. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar axborotning konfidensialligi va yaxlitligini, shu jumladan, to'lov xizmatlaridan foydalanuvchining shaxsiga doir ma'lumotlarni muhofaza qilishda hamda yetarli xavfsizlikni ta'minlash maqsadida quyidagi choralarni ko'rishlari lozim:

to'lov tizimida ishlov beriladigan konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlarning yaxlitligi va daxlsizligini muhofaza qilish hamda ulardan foydalanish tartibini ishlab chiqish;

ichki hujjatlar bilan tartibga solinadigan himoyalananadigan ma'lumotlar bilan ishlashda xavfsizlik va konfidensiallikni ta'minlash qoidalari va talablarini ishlab chiqish;

konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlar bilan ishlovchi xodimlar sonini imkon darajasida kamaytirish, xodimlar bilan konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlar oshkor etilishining oldini olish bo'yicha majburiyatnomalar (shartnoma) tuzish va ushbu ma'lumotlardan foydalanish huquqlarini xodimlarning lavozim majburiyatlaridan kelib chiqib belgilash;

konfidensial ma'lumotlar ro'yxatini yuritish bo'yicha komissiya tarkibini shakllantirish va tasdiqlash;

konfidensial ma'lumotlar ro'yxati va hajmini aniqlash hamda tasdiqlash;

konfidensial ma'lumotlar bilan ishlashga ruxsat berilgan xodimlar ro'yxatini shakllantirish va tasdiqlash;

axborotlashtirish obyektining texnik pasportini ishlab chiqish va tasdiqlash;

konfidensial ma'lumotlar bilan ishlash tartibini ishlab chiqish va tasdiqlash;

konfidensial ma'lumotlarni tashuvchi vositalarni ro'yxatga olish, yo'q qilish, konfidensial axborot tashuvchilarni tashqariga olib chiqish/kirish jurnallari yuritish;

ma'lumotlar yaxlitligi va xavfsizligini ta'minlash maqsadida elektron raqamli imzo kalitlaridan foydalanish hamda shifrlangan ma'lumotlarni saqlash tartibini belgilash;

konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlar mavjud bo'lgan resurslarga kirishda identifikatsiya, autentifikatsiya va avtorizatsiya qilinishini ta'minlash;

konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlar bilan ishlash huquqlarining ruxsatsiz berilishini oldini olish;

axborot tizimlari foydalanuvchilarining muhofazalangan ma'lumotlariga kirish, ishlov berish, ularni saqlash hamda taqdim etish jarayonidagi amalga oshirilgan harakatlarni elektron bayonnomalarda qayd etib borish;

tashqi saqlovchi qurilmalar va texnik vositalarning binodan tashqariga olib chiqilishi hamda ularning o'g'irlanishining oldini olish;

ma'lumotlarni uzatish, saqlash, o'chirib tashlash, ularga ishlov berish hamda

ularning ruxsatsiz chetga chiqib ketishining oldini olish choralar ta'minlanganligini nazoratga olish.

#### **4-bob. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmati**

13. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar axborot tizimlarida axborot muhofazasi uchun axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmati vazifalariga quyidagilarni kiritishlari lozim:

axborot tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha mazkur Nizom talablarining bajarilishini nazorat qilish;

axborot xavfsizligiga oid choralar ta'minlanganligini baholash, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik darajasini oshirish, shuningdek avariylar va xodimlarning yo'l qo'yan xatolari natijasida kelib chiqadigan yo'qotishlarni kamaytirish va ularning sodir etilishining oldini olish;

axborot infratuzilmasining yaxlitligi va xavfsizligini nazorat qilish;

serverlardagi dasturiy ta'minotlarni muhofaza qilish;

barcha texnologik jarayonlarda xodimlar harakatlari, shuningdek, axborot tizimlaridagi amalga oshirilgan to'lov xizmatlaridan foydalanuvchilarining harakatlari bo'yicha elektron bayonnomalar ro'yxatini yuritish;

avtomatashtirilgan tizimlarda kiberxavfsizlikni va noqonuniy harakatlar bilan mablag'larni o'zlashtirishning oldini olish choralarini ko'rish;

ma'lumotlar uchinchi shaxslarga oshkor etilishining oldini olish choralarini ko'rish;

axborot kommunikatsiya texnologiyalari infratuzilmasida yuzaga kelgan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalari, kibertahdidlar, kiberhujumlar aniqlangan vaqtida bu haqidagi ma'lumotlarni Markaziy bankka taqdim etish;

axborot kommunikatsiya texnologiyalari infratuzilmasi, axborot tizimlari va resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik holatining mazkur Nizom talablari, ichki qoida va tartiblarga muvofiqligini bir yilda kamida ikki marotaba axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik tavakkalchiliklarini hisobga olgan holda o'rganish va o'rganish natijalarini dalolatnama bilan rasmiylashtirish.

#### **5-bob. Axborot tizimlarida xodimlarning vakolatlarini cheklash**

14. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar axborot tizimlarida ishslash jarayonida, shu jumladan, ishlab chiqish, sinovdan o'tkazish jarayonida xodimlarning vakolatlarini chegaralash uchun quyidagi choralarни ko'rishlari lozim:

axborot tizimlarida ishslash huquqlarini belgilovchi tartib va qoidalarni ishlab chiqish va ularni lavozim yo'riqnomalarida aks ettirish hamda tegishli hujjatga (ariza, talabnomha yoki boshqa shaklga) asosan tizimdan foydalanish tartibini ta'minlash;

axborot tizimlarida ishslash huquqi berilgan mas'ul xodimlar ro'yxatini shakllantirish;

axborot tizimlarida ishlash huquqlarini belgilash va taqsimlash bilan bog'liq harakatlarni ro'yxatga olish;

axborot tizimlarida ishlash huquqlari mantiqan, ish vazifasidan kelib chiqib to'g'ri belgilanganligini davriy (yiliga kamida ikki marotaba) tekshirib turish;

axborot tizimlarining ishlashi va sinovdan o'tkazilishi davrida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda berilgan axborot tizimlarida ishlash huquqlari to'g'riligini nazorat qilish;

axborot tizimi foydalanuvchilari axborot tizimi tomonidan berilgan huquqlarni o'zgartirish imkoniyatiga ega bo'lmasligi hamda bu huquqlarni begona shaxslarga berishni cheklash choralarini ko'rish.

15. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar o'zlarining axborot tizimlariga o'zgartirishlar kiritish uchun boshqa tashkilotlarni jalg qilganda quyidagilarni amalga oshirishlari zarur:

konfidensial va shaxsga doir ma'lumotlarni oshkor etmaslik bo'yicha bitim tuzish;

axborot tizimlaridagi to'lovlarga oid va boshqa muhofaza qilinadigan ma'lumotlar bilan ishlashni belgilangan tartibda ruxsat berish asosida amalga oshirish;

tegishli litsenziya va (yoki) boshqa ruxsatnomaga ega bo'lgan (agar ushbu faoliyat litsenziya yoki tegishli ruxsatnomasi asosida amalga oshirilsa) tashkilotlarni jalg qilish;

axborot tizimlarini loyihalashtirish bosqichida ma'lumotlarning konfidensialligini ta'minlash choralarini ishlab chiqish;

ko'rildigan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha choralar (amalga oshiriladigan ishlar, o'rnatiladigan dasturlar, qurilmalar va boshqalar), aniq ko'rsatilgan texnik topshiriq, qabul qilish (test sinovlarini amalga oshirish rejasи) va boshqa tegishli hujjatlarni rasmiylashtirish;

dasturiy ta'minot hamda uni ishlab chiqqan va unga o'zgartirish kiritgan (kiritadigan) tashkilotlar ro'yxatini tuzish;

axborot tizimlarini ishlab chiqish va joriy etishning taxminiy muddatlarini va shartlarini belgilab olish;

jalb qilingan tashkilot xodimlari tomonidan axborot tizimlariga kiritiladigan o'zgartirishlarning asosliligini, mavjud texnik topshiriqlarga mosligini, axborot tizimiga yot bo'lgan dasturlar (tizim funksiyalari) bo'lmasligini, test sinovlari natijalarining ijobiliyigini axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmati hamda axborotlashtirish bo'yicha mas'ul xodim tomonidan nazoratga olish.

Avtomatlashtirilgan tizimlarga o'zgartirish kiritgan tashkilot o'z vazifasini amalga oshirganidan so'ng yoki u bilan tuzilgan shartnoma muddati tugaganida, unga ma'lum bo'lgan barcha konfidensial ma'lumotlar (identifikator, parollar va boshqalar) hamda tizimga kirish imkoniyatlari axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmati tomonidan o'zgartirilishi lozim.

## **6-bob. Axborot tarmoqlarini hujumlardan himoya qilish**

16. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar axborot va internet jahon axborot tarmog'ini, shuningdek, serverlar va aloqa

kanallarini ehtimoli mavjud bo'lgan kibertahdid va kiberhujumlardan himoya qilish uchun yetarli choralarni ko'rishi lozim. Ushbu choralar quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

kompyuter tarmoqlarini segmentlash va tarmoqlararo ekranidan foydalanish; axborot tarmoqlari, shu jumladan, internet jahon axborot tarmog'i orqali qabul qilinayotgan va uzatilayotgan ma'lumotlarga ruxsatsiz kirishning oldini olish bo'yicha texnik (kriptografik va boshqa) va/yoki tashkiliy choralar ko'rish hamda tarmoq ma'lumotlarini filtrlashni ta'minlash (tarmoqlararo ekranlarni qo'llash);

axborot tarmoqlari va veb-saytlar orqali to'lovlarni amalga oshirishda identifikasiya, ko'p omilli autentifikatsiya va avtorizatsiya qilish (ko'p omilli autentifikatsiya qilish mobil va aloqasiz to'lovlarni amalga oshirish chog'ida qo'llanilmaydi);

axborot tarmoqlari va Internet jahon axborot tarmog'i, shuningdek, serverlar va aloqa kanallaridan foydalanuvchilarni identifikatsiya qilish;

internet jahon axborot tarmog'i resurslaridan xodimlarning foydalanishini proksi-server orqali amalga oshirish, ish faoliyati uchun zarur bo'lмаган veb-saytlarga kirishni chegaralash va kirilgan veb-saytlarni qayd etib borish;

axborot tizimlarini asosiy va zaxira aloqa kanallari bilan ta'minlash; serverlar tarmog'ini muhofazalash (demilitarizatsiya qilingan zonalarini (DMZ) tashkil etish);

serverlarda ish faoliyati uchun zarur bo'lмаган portlarni yopish va xizmatlarni to'xtatish;

axborot tizimiga kirish obyektlari va resurslarining hisobini yuritish; mobil to'lovlarni amalga oshirish chog'ida foydalanuvchilarni ko'p faktorli autentifikatsiya qilish (SMS, QR-kod, NFC, barmoq izlari, ko'zning rangdori pardasi asosida aniqlash yoki shu kabi tasdiqlovchi usullarni qo'llash mumkin);

mobil qurilmalar yordamida masofadan kirishda to'lov ma'lumotlari hamda axborot tizimlarining (ma'lumotlar bazasining) axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta'minlash;

masofaviy xizmat ko'rsatish va boshqa axborot tizimlarida mijozni identifikatsiya va autentifikatsiya qilish maqsadida qo'llaniladigan (bir martalik yoki ko'p martalik) parollarni ishlatalish tartibini belgilash, tasdiqlash kodlarini qo'llash, bir martalik tasdiqlash kodlarini tizimga shifrlangan holda yuborish, antifrod va biometrik identifikatsiya tizimlarini qo'llash, kodning faol bo'lishi va boshqalarni yoritish;

avtomatashtirilgan tizimga kirishda qo'llanilgan qurilma to'g'risida identifikatsiya ma'lumotlarini (IP-adres, MAC-adres va boshqa identifikatorlar) qayd etish;

tajovuzlarni aniqlash va ularning oldini olish tizimlarini qo'llash.

17. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar chet el tashkilotlarining axborot muhofazasi uskunalarini qo'llashlari mumkin.

18. To'lov tizimlari operatorlari to'lovlardan bog'liq axborot almashinuviga uchun qo'llaniladigan texnik va tashkiliy choralarini, ish tartiblarini belgilashi hamda ushbu tartiblar ijrosi to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar tomonidan ta'milanishi lozim.

19. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini kuchaytirish maqsadida tarmoq protokolida (TCP/IP) tarmoq tranzit paketlarining IP manzillarini o'zgartirish imkonini beruvchi tarmoq adreslarini o'zgartirish protokoli (NAT) qo'llanilishi mumkin. Bunda tarmoq orqali barcha ulanishlarning elektron jurnallari asl IP manzillar ko'rsatilgan holda yuritilishi va belgilangan tartibda elektron arxivga olinishi lozim.

20. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar ichki hujjatlarida quyidagilarni belgilashlari lozim:

axborot tarmoqlarini xavfsiz va ishonchli aloqa kanallari bilan ta'minlash tartibi;

to'lov tizimiga kirish va undan chiqish jarayoni tartibi;

foydalanuvchini to'lov tizimiga ulashda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tartibi;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisasi, kibertahdid hamda kiberhujumlar bilan bog'liq tavakkalchiliklarni baholash va boshqarish tartibi;

protsessing va kliring jarayonlarida axborot xavfsizligi tartibi va talablari (agar ushbu xizmat amalga oshirilsa);

xatarlarni boshqarish choralarini va usullari;

avtomatlashtirilgan tizimda, axborot dasturlarida foydalanuvchilarning yagona identifikatorini hosil qilish tartibi;

qayd etiladigan harakatlar ro'yxati;

ma'lumotlarni ro'yxatga olish va saqlash tartibi.

## **7-bob. Axborot tizimlari va resurslari monitoringi**

21. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar to'lovlari bo'yicha konfidensial ma'lumotlardan va o'ta muhim mantiqiy hamda jismoniy resurslardan (axborot tarmoqlari, axborot tizimlari, ma'lumotlar bazalaridan, axborotni himoya qilish modullaridan) foydalanish monitoringini amalga oshiradi. Bunda monitoring qilishda quyidagilar belgilanadi:

axborot infratuzilmasining axborotga ishlov berish, ularni saqlash va tarmoqda uzatish uchun qo'llaniladigan dastur va qurilmalar hisobini yuritish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalarini tahlil qilish, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik holatini monitoring qilish hamda ogohlantirish imkonini beruvchi (Security Information and Event Management (SIEM) yoki boshqalar) tizimlarni joriy qilish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligi holatini monitoring qilishni amalga oshiruvchi tizim ma'lumotlarini tahlil qilib borish va aniqlangan holatlarni (axborot tarmog'iga ruxsatsiz kirish va kirishga urinish, tizimdagi to'xtalishlar, axborot resurslarining yetishmovchiligi, tarmoqdagi uzelishlar, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta'minlashdagi cheklanishlar va boshqa hodisalar) bartaraf etish va (yoki) ularning oldini olish bo'yicha choralar ko'rish;

konfidensial ma'lumotlardan va o'ta muhim mantiqiy hamda jismoniy resurslardan (axborot tarmoqlari, axborot tizimlari, ma'lumotlar bazalaridan, axborotni himoya qilish modullaridan) ruxsatsiz foydalanishning oldini olish bo'yicha choralar ko'rish;

foydanuvchi operatsiyani amalga oshirgan sana (kun, oy, yil) va vaqt (soat, daqqa, soniya), uning amalga oshirgan operatsiyasi foydanuvchiga avtomatlashtirilgan tizimlarda hamda axborot dasturlarida berilgan identifikatsiya raqami, tizimlarga kirishda mavjud bo'lgan identifikatsiya ma'lumotlari (IP-adres, MAC-adres, IMEI-kod, telefon raqami va/yoki qurilmaning boshqa identifikatori), avtomatlashtirilgan tizimlar tomonidan foydanuvchiga huquq berilishi bilan bog'liq harakatlarni qayd etish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik holatini tun-u kun (24/7) rejimida monitoring qilish ishlarini tashkil etish;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligi holatini monitoring qilish tizimini Markaziy bank "CERT-CBU" kiberxavfsizlik markazining monitoring tizimiga bog'lanishini ta'minlash;

axborot dasturlari, avtomatlashtirilgan tizimlar ishlatalishi bilan bog'liq foydanuvchilarning harakatini (operatsiya) qayd etish.

### **8-bob. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalarini aniqlash**

22. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar to'lovlarni va pul mablag'larini o'tkazishni amalga oshirish chog'ida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga doir talablarning buzilishi bilan bog'liq bo'lgan hodisalarini aniqlash maqsadida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga doir tashkiliy choralarini ko'rishda hamda texnik vositalarni qo'llashda quyidagi ishlarini tashkil etishi lozim:

qo'llanilishi zarur bo'lgan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik bo'yicha tashkiliy choralarini aniqlash;

mavjud texnik qurilmalarni ishlatish, sozlash hamda ulardagi ma'lumotlarni qayd etish bo'yicha mas'ul xodimlarni tayinlash;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalarini aniqlash choralarini ko'rish hamda ushbu holatlar xodimlar tomonidan aniqlanganda ularning axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmatini xabardor qilishi;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalar yuzaga kelganda ularni bartaraf etish, yuzaga kelish sabablarini aniqlash, tahlil qilish hamda aniqlangan hodisalar yuzaga kelmasligi bo'yicha tegishli choralar ko'rish;

aniqlangan hodisalar ro'yxatga olib borish (reyestrini yuritishi);

aniqlangan hodisalar to'g'risidagi ma'lumotlarni saqlash tartibini belgilash;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta'minlashning boshqa choralarini ko'rish.

To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalar to'g'risida Markaziy bankka zudlik bilan yozma yoki elektron shaklda xabar berishi lozim.

23. To'lov tizimlari operatorlari axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalarning oldini olish maqsadida, quyidagi talablarni belgilashi kerak:

to‘lov tizimining boshqa ishtirokchilariga to‘lovlarni amalga oshirish uchun ziarur texnik va dasturiy vositalarga axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik bo‘yicha qo‘yiladigan talablarni;

to‘lov tizimi va to‘lovlar bilan bog‘liq noxush hodisalar to‘g‘risida ma’lumot berish shakli va tartibiga bo‘lgan talablarni;

to‘lov tizimida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligiga oid tavakkalchiliklarni boshqarish tartibi va ularni baholash mezonlarini;

to‘lovga oid ma’lumotlarga ishlov berish vositalarining xavfsiz ishlashini ta’minalash tartibini;

to‘lov tizimida noxush hodisalar yuzaga kelganda o‘zaro harakatlanish tartibini.

24. To‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog‘liq hodisalarning oldini olish maqsadida quyidagi talablarni belgilashi kerak:

to‘lovni amalga oshirish qurilmalarini mijozga yetkazib berish bilan bog‘liq tavakkalchiliklarning oldini olish choralarini ko‘rish;

to‘lov uskunalarining yo‘qolishi, o‘g‘irlanishi, begona shaxslar tomonidan egalik qilinishi kabi holatlar aniqlanganda to‘lov tizimlari operatorlariga xabar berishi lozim.

25. To‘lov tizimi operatorlari tomonidan to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarga to‘lov tizimida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog‘liq hodisalar to‘g‘risida ma’lumot berilishi hamda ushbu holatni tahlil qilish va bartaraf etish bo‘yicha uslubiy qo‘llanma taqdim qilinishi lozim.

### **9-bob. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog‘liq hodisalarga nisbatan ta’sir choralarini**

26. To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minalash bo‘yicha talablarining buzilishi bilan bog‘liq bo‘lgan hodisalarga nisbatan quyidagi ta’sir choralarini ko‘rishlari lozim:

yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan hodisalarga nisbatan ta’sir choralarini ko‘rish yuzasidan zarur harakatlarni oldindan ko‘ra bilish hamda amalga oshiriladigan harakatlar ro‘yxatini belgilash;

sodir bo‘lgan hodisalarga nisbatan qisqa muddatlarda ta’sir choralarini ko‘rish;

ishning uzluksizligini ta’minalash, shuningdek, noqonuniy to‘lovlar va hisobvaraqlardagi qoldiq mablag‘larini ruxsatsiz o‘zgartirilishini oldini olish, axborotni qayta tiklash hamda boshqa salbiy holatlarni bartaraf etish;

xodimlar tomonidan mavjud axborot tizimlarida ishlashda belgilangan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablariga rioya qilinishini ta’minalash;

yuzaga kelgan hodisalarning kelib chiqish omillarini aniqlash maqsadida tarmoq qurilmalari va axborot tizimlarining elektron bayonnomalarini rasmiylashtirish, yig‘ish, tahlil qilish hamda ularga asosan tegishli ko‘rsatmalarni ishlab chiqish.

### **10-bob. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalar sabablarini tahlil qilish**

27. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga doir talablarning buzilishi bilan bog'liq aniqlangan hodisalar sabablarini tahlil qilishi hamda ularga ta'sir ko'rsatish natijalarini baholashi lozim. Bunda aniqlangan hodisalar sabablarini tahlil qilish hamda ularga ta'sir ko'rsatish natijalarini baholash tizimi quyidagilarni o'z ichiga olishi lozim:

aniqlangan hodisalarga nisbatan ta'sir choralarini ko'rildiganidan keyin ushbu hodisalarning kelib chiqish sabablarini axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash xizmati tomonidan tegishli bo'linmalar bilan birgalikda tahlil qilish tartibi;

axborot tizimlarining tegishli elektron bayonnomalarini o'rganish hamda aniqlangan hodisaning yuzaga kelishiga sababchi bo'lgan xodimlardan tushuntirishlar olish;

hodisalarning kelib chiqish sabablariga oydinlik kiritib, bunday holatlar yuzaga kelmasligi yoki yuzaga kelganda uning zarar keltirish imkoniyatlarini kamaytirish choralarini ko'rish (shu jumladan, tegishli mutaxassislarni jalg qilgan holda);

hodisalarning salbiy ta'sir ko'rsatish darajasiga qarab tasniflash va baholash mezoniga asosan ularni baholash.

Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashga doir talablarning buzilishi bilan bog'liq aniqlangan hodisalarga nisbatan ko'rildigan ta'sir choralarini, ularni baholash natijalari va boshqa qo'shimcha ma'lumotlar chop etilishi hamda alohida yig'majilda saqlanishi zarur.

### **11-bob. Bankomat, infokiosk va to'lov terminallarini qo'llashda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash**

28. To'lov tizimlari operatorlari va to'lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar bankomat, infokiosk va to'lov terminallarining axborot xavfsizligi va kiberxavfsizligini ta'minlashi lozim. Bunda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashda quyidagi choralar qo'llaniladi:

bankomat, infokiosk va to'lov terminallarining hisobini yuritish hamda ularning axborot dasturiga ruxsatsiz kirishining oldini olish;

bankomat, infokiosk va to'lov terminallariga texnik xizmat ko'rsatuvchi shaxslar faoliyatini nazorat qilish hamda ular tomonidan amalga oshirilgan o'zgartirishlar bo'yicha elektron bayonna ma'lumotlarni yuritish;

videokuzatuv tizimlari yordamida bankomatlar bilan ishslash jarayonlarini nazoratga olish (bankomatga kiritiladigan bank kartalarining pin kod raqamlari videokuzatuv tizimlari orqali qayd etish imkoniyatiga ega bo'lmasligi lozim);

bosh bank hamda uning infratuzilmalari (filial, mini-bank va boshqalar) va boshqa qo'riqlanadigan obyektlaridan tashqarida joylashtirilgan bankomatlarning videokuzatuv ma'lumotlari bosh bank yoki uning filialidagi texnik qurilmalarga to'g'ridan to'g'ri (onlayn) yozib borilishini ta'minlash;

bankomat tarmoq kabellarini muhofazalash;

bankomatning boshqa bankomatlar bilan bir xil bo‘lgan qulflarini almashtirish; bankomatlarni aloqa kanallaridan yoki jismonan bog‘langan holda ehtimoliy hujumlardan (shu jumladan, skimmingdan) himoya qilish;

bankomatlarning operatsion tizimi hamda BIOS tizimiga kirish huquqlarini murakkab parollar bilan himoyalash;

autentifikatsiya qilish tartibini belgilash;

to‘lovlarni amalgalash qurilmalarning hisobini yuritish;

bankomatlardagi naqd pul mablag‘larining jismoniy muhofazasini ta’minlash; tarmoq orqali axborot almashinuvida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash;

xalqaro to‘lov tizimlari bilan ishlaydigan axborot tizimlarida xalqaro standartlar (PCI DSS, PTS, PA DSS) talablariga muvofiq axborot muhofazasi vositalari va tizimlarini joriy qilish.

29. To‘lov tizimlari operatorlari o‘z tizimlaridagi bankomat va infokiosklarda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni banklar bilan birligida ta’minlaydi hamda ularning uzuksiz va to‘g‘ri ishlashini nazorat qiladi. Agar axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik bo‘yicha ma’lum bir (yoki barcha) mas’uliyat to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchiga yuklatilgan bo‘lsa, mazkur holat tegishli shartnomalarda qayd etilishi va mas’uliyat yuklatilgan tashkilotga zaruriy sharoitlar yaratib (bankomatlarning axborot tizimidagi ishlash huquqlari) berilishi zarur.

## **12-bob. Muhim to‘lov tizimlari operatorlariga axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash bo‘yicha qo‘yiladigan talablar**

30. Muhim to‘lov tizimlari operatorlari mazkur Nizomda belgilangan xavfsizlik choralariga qo‘srimcha ravishda quyidagi axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik choralarini ta’minlashi zarur:

to‘lov tizimining uzuksiz ishlashi ishonchligini ta’minlash;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash xizmatini tashkil etish va uning majburiyatlarini belgilash;

O‘z DST 2875:2014 “Datamarkazlarga qo‘yiladigan talablar. Infratuzilma va axborot xavfsizligini ta’minlash” standartining datamarkaz telekommunikatsiya vositalari infratuzilmasi tayyorligi va xavfsizligining uchinchi darajadan past bo‘lmasligini ta’minlash;

xalqaro bank kartalaridan foydalanilganda PCI DSS xavfsizligi standarti, Payment Services Directive (PSD2) to‘lov xizmatlarini ko‘rsatish direktivasi talablariga muvofiqlashtirish;

axborot tizimlari to‘g‘ri tashkil etilganligi yuzasidan nufuzli xalqaro auditor tashkilotlarni jalb qilish orqali AKT-infratuzilmasini (axborot xavfsizligi holatini) auditdan o‘tkazishni ta’minlash;

O‘zbekiston Respublikasining “To‘lovlар va to‘lov tizimlari to‘g‘risida”gi Qonuni va boshqa qonunchilik hujjalarda muhim to‘lov tizimlari operatorlariga belgilangan talablarni bajarish.

31. Muhim to‘lov tizimlari operatorlari ma’lumotlarga ishlov beruvchi asosiy axborot tizimlarini tashkil etishi va joylashgan joyidan 50 kilometrdan yaqin

bo‘limgan hududda zaxira axborot tizimlarini tashkil etishi lozim. Bunda asosiy va zaxira axborot tizimlari O‘zbekiston Respublikasi hududida tashkil etiladi.

Muhim to‘lov tizimlari operatorlarining axborot tizimlaridagi ma’lumotlarni (elektron bayonnomalar va boshqa to‘lovlari bilan bog‘liq ma’lumotlar) elektron arxivlarda kamida ikki nusxada (xususan, asosiy va zaxira axborot tizimlarining har birida bitta nusxadan) saqlashi lozim.

### **13-bob. To‘lov tizimining uzluksiz ishlashini yo‘lga qo‘yish va elektron arxiv yuritish**

32. To‘lov tizimlarining uzluksiz ishlashi va barqarorligini ta’minlash maqsadida quyidagi choralar ko‘rilishi lozim:

to‘lov tizimi bilan bog‘liq tarmoq va boshqa qurilmalar nosoz holatga kelganda uni ish jarayoniga keltirish va uzluksiz ishlashini ta’minlash;

operatsion tizim, dasturiy ta’mnotlar, axborot tizimlarining dasturlari, ma’lumotlar (ma’lumotlar bazasi, sozlamalari, elektron bayonnomalar) nusxalarini zaxiraga (bakup) olinishi va elektron arxivda saqlash hamda ularni qayta tiklash tartibini (mexanizmini) ishlab chiqish, ularning hisobini yuritish va nazoratini olib borish;

zaxira texnik qurilma va uskunalarga ega bo‘lish;

ma’lumotlarning zaxiraga olingan (backup) nusxalarini texnik nosozliklarda va favqulodda vaziyatlarda qayta tiklash rejasini ishlab chiqish va davriy (bir yilda bir marotaba) axborot tizimini qayta tiklab tekshirish;

dasturlarga o‘zgarish kiritishni sinov (test) uchun mo‘ljallangan serverlarda tekshirish;

tizimdagи qurilma va uskunalarining ishlashini nazorat qilish;

to‘lov tizimining uzluksizligiga salbiy ta’sir etishi mumkin bo‘lgan holatlarni oldini olish va axborot muhofazasini ta’minlash;

dizel elektr stansiyasi va/yoki boshqa elektr ta’moti uzluksizligini ta’minlash vositalaridan (UPS va boshqalar) foydalanish;

ishlov berilgan ma’lumotlarni saqlash va ularning elektron arxivda yuritilishini ta’minlash;

mijozlarning harakatiga tegishli bo‘lgan ma’lumotlarni kamida besh yil saqlanishini ta’minlash;

elektron arxiv yuritishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlashga doir talablarga rioya etilishi bo‘yicha ishchi guruh tuzgan holda bir yilda kamida ikki marotaba tekshirish va natijalari to‘g‘risida Markaziy bankka ma’lumot berish;

axborot uzatish zaxira tarmoqlariga ega bo‘lish.

33. Muhim to‘lov tizimlari operatorlari bo‘limgan to‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar ma’lumotlarga ishlov beruvchi asosiy axborot tizimlarini tashkil etishi va ular joylashgan joyidan 5 kilometrdan yaqin bo‘limgan hududda zaxira axborot tizimlarini tashkil etishi lozim. Bunda asosiy va zaxira axborot tizimlari O‘zbekiston Respublikasi hududida tashkil etiladi.

Axborot tizimlaridagi ma’lumotlar (elektron bayonnomalar va boshqa to‘lovlari bilan bog‘liq ma’lumotlar) elektron arxivlarda kamida ikki nusxada (xususan,

asosiy va zaxira axborot tizimlarining har birida bitta nusxadan saqlanishi mumkin).

34. To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarning faoliyati tugatilganda, ulardagи mavjud elektron arxivning axborot resurslari davlat arxivlariga topshiriladi.

To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar faoliyati tugatilib, boshqa tashkilotga qo‘shib yuborilganda, elektron arxiv ma’lumotlari qo‘shib yuborilayotgan tashkilotning elektron arxivga topshiriladi.

#### **14-bob. Xavfsizlik rejimi**

35. To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarning to‘lovlari bilan bog‘liq ma’lumotlarni saqlash va ularga ishlov berish xonalari bilan ta’minlangan bo‘lishi kerak. Ushbu xonalar quyidagi talablarga javob berishi lozim:

ruxsatsiz jismoniy kirishdan muhofazalangan bo‘lishi;

xona birinchi qavatda joylashgan hollarda uning derazalari temir panjara bilan jihozlangan bo‘lishi;

qo‘riqlash va yong‘indan ogoh etuvchi ikkita himoya to‘sig‘i xabargohlari bilan jihozlanishi;

tungi vaqtida qo‘riqlash va ogohlantirish qurilmalari bilan jihozlanishi; videokuzatuv orqali nazoratga olinishi.

To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar to‘lovlari bilan bog‘liq ma’lumotlarni saqlash va ularga ishlov berish xonalarini mazkur bandda belgilangan talablardan tashqari boshqa xavfsizlik choralarini ko‘rishi mumkin.

36. Mazkur Nizomda belgilangan barcha videokuzatuv ma’lumotlarining saqlanish muddati bir oydan kam bo‘lmasligi zarur.

37. To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarning binolari himoya qilinishida ular zaruriy uskunalar, tashkiliy-texnik vositalar bilan jihozlanishi va tegishli dasturiy ta’minotlardan foydalaniishi lozim.

#### **15-bob. To‘lovlarni amalga oshirish jarayonini nazorat qilish**

38. To‘lov tizimlari operatorlari o‘zlarining to‘lov tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik choralarini ko‘rishda nazorat va monitoring ishlarini amalga oshirishlari lozim.

39. To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar avtomatlashtirilgan tizimlar, ilovalar hamda axborot infratuzilma obyektlarini axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik zaifliklariga tahlil qilishi, har yili kamida ikki marta ruxsatsiz kirishga tekshirishi va hujjalarda qayd etilmagan imkoniyatlar mavjud emasligini nazorat qilishi lozim.

40. To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilar har yili, kelgusi yilning birinchi apreldan kechiktirmay, Markaziy bankka axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta’minlanganlik holati to‘g‘risida hisobot taqdim etishi shart.

**16-bob. Bank va to‘lov tizimlarida shubhali frod operatsiyalarga qarshi choralar ko‘rish xizmati**

41. To‘lov tizimlari operatorlari, to‘lov tizimining ishtirokchilari va to‘lov tashkilotlari bank va to‘lov tizimlarida shubhali (frod) operatsiyalarga qarshi choralar ko‘rish xizmati vazifalariga quyidagilarni kiritishlari lozim:

masofadan turib bank kartalari va hisobvaraqlari, mobil ilovalardagi akkauntlar hamda elektron hamyonlar bilan bog‘liq operatsiyalarni amalga oshiruvchi axborot tizimlarini (mobil ilova, internet banking va boshqalar) Markaziy bankning markazlashgan antifrod hamda biometrik identifikatsiya tizimlariga ulash;

pul mablag‘larini o‘tkazish bilan bog‘liq shubhali (frod) operatsiyalarini ro‘yxatini yuritib borish;

bank kartalari va hisobvaraqlari, mobil ilovalardagi akkauntlar hamda elektron hamyonlar bilan bog‘liq shubhali (frod) operatsiyalarida ishtirok etgan bank kartalari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni yig‘ib borish;

bank kartalari va hisobvaraqlari, mobil ilovalardagi akkauntlar hamda elektron hamyonlar bilan bog‘liq shubhali (frod) operatsiyalarini amalga oshirilishini antifrod tizimlari yordamida oldini olish;

bank kartalari bilan bog‘liq shubhali (frod) operatsiyalar sodir etilgan taqdirda, Markaziy bankning majburiy ko‘rsatmasiga asosan bank kartalari va hisobvaraqlari, mobil ilovalardagi akkauntlar hamda elektron hamyonlardan foydalanishni uch kungacha muddatga vaqtincha cheklashni (bloklashni) amalga oshirish;

bank kartalari va hisobvaraqlari, mobil ilovalardagi akkauntlar hamda elektron hamyonlar bilan bog‘liq shubhali (frod) operatsiyalarga qarshi choralarini ko‘rish xizmati (shubhali (frod) operatsiyalarga qarshi choralar ko‘rishga mas‘ul xodimlari) faoliyatini tun-u kun (24/7) rejimida ishlashini tashkil etish;

masofadan turib bank kartalari va hisobvaraqlari, mobil ilovalar akkauntlari hamda elektron hamyonlar bilan bog‘liq operatsiyalarni amalga oshiruvchi axborot tizimlarini (mobil ilova, internet banking va boshqalar) antifrod hamda biometrik identifikatsiya tizimlari bilan bog‘liq holda uzluksiz ishlashini nazorat qilish.

**17-bob. Jismoniy va yuridik shaxslarning roziliginisiz to‘lovlar amalga oshirilishini oldini olish**

42. To‘lov tizimi operatorlari, to‘lov tizimining ishtirokchilari va to‘lov tashkilotlari tavakkalchiliklarni boshqarish to‘g‘risidagi hujjatlarida jismoniy va yuridik shaxslarning roziliginisiz amalga oshirilgan pul o‘tkazmalarining tavsifi, miqdori va harakatlarini tahlil etish orqali bank kartalaridan jismoniy va yuridik shaxslarning roziliginisiz amalga oshirilgan pul o‘tkazmalarining mezonlariga mos keladigan operatsiyalarni aniqlash jarayonlarini belgilaydi.

43. To‘lov tizimi operatorlari bank kartalari orqali jismoniy va yuridik shaxslarning roziliginisiz pul o‘tkazmalarini oldini olish maqsadida tranzaksion antifrod tizimlarini joriy etishi hamda Markaziy bankning markazlashgan antifrod tizimiga integratsiya qilinishini ta’minlashi lozim.

44. To'lov tizimining ishtirokchilari va to'lov tashkilotlari o'zlarida session antifrod tizimlarini joriy etishi hamda Markaziy bankning markazlashgan antifrod tizimiga integratsiya qilinishini ta'minlashi lozim.

45. To'lov tizimi ishtirokchilari va to'lov tashkilotlarida bank kartalari orqali jismoniy va yuridik shaxslarning roziligidan amalga oshirilgan pul o'tkazmalarining mezonlariga mos keladigan operatsiyalar aniqlanganda, ushbu operatsiya bo'yicha taqdim etilgan farmoyishning bajarilishini antifrod tizimlari doirasida amalga oshiradi.

46. To'lov tizimi operatorlari, to'lov tizimining ishtirokchilari va to'lov tashkilotlari jismoniy va yuridik shaxslarning roziligidan amalga oshiriladigan to'lovlarni oldini olish maqsadida quyidagilarni bajarishi lozim:

jismoniy va yuridik shaxslarning roziligidan amalga oshirilgan pul o'tkazmalarining tavsifi, miqdori va harakatlarini tahlil etishi, tavakkalchiliklarni baholashi va boshqarishi hamda ularning mezonlariga mos keladigan operatsiyalarini aniqlash jarayonlarini belgilashi;

jismoniy va yuridik shaxslar o'rtaida tuzilgan shartnomalarda (ommaviy ofertalarda) antifrod tizimi doirasida bank kartalari bilan bog'liq shubhali (frod) operatsiyalarga qarshi choralar ko'rish masalalarini yoritishi;

bank kartalari bilan bog'liq shubhali (frod) operatsiyalar bo'yicha kelib tushadigan murojaatlarni yig'ishi va tahlil qilishi;

to'lov xizmati foydalanuvchisining pul mablag'larini o'tkazish vaqtida, ushbu to'lov shubhali (frod) operatsiyalar ro'yxatida bo'lsa, bunday holat haqida foydalanuvchiga xabar (SMS, messenger yoki boshqa axborot tizimlar orqali) berishi, takroriy tasdiq (PIN kod, yashirin so'zni kiritish yoki boshqa tarzda ma'lumot) olishi, agar ma'lum vaqt oralig'ida ushbu tasdiq olinmasa, ushbu to'lov operatsiyasini bekor qilishi;

foydalanuvchi tomonidan o'zining hisob-varaqlariga tegishli to'lov operatsiyalarini to'xtatish (blokirovka qilish) imkoniyatini yaratishi;

bank kartalari bilan bog'liq shubhali (frod) operatsiyalarda ishtirok etgan bank kartalari va hisobvaraqlari, mobil ilovalari akkauntlari hamda elektron hamyonlar to'g'risida o'zlarining axborot tizimlarida mavjud bo'lgan ma'lumotlarni Markaziy bankning so'roviga asosan o'z vaqtida taqdim etishi;

axborot tizimlari va resurslarida aniqlangan, jismoniy va yuridik shaxslarning roziligidan amalga oshirilgan pul o'tkazmalarini o'tkazish yoki o'tkazishga urinish holatlari to'g'risidagi ma'lumotlarni Markaziy bankka taqdim etib borishi.

47. To'lov tizimi operatorlari, to'lov tizimining ishtirokchilari hamda to'lov tashkilotlari tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarning roziligidan to'lovlarni sodir etilgan holatlarda ishtirok etgan bank kartalari va hisobvaraqlari, mobil ilovalari akkauntlari hamda elektron hamyonlardan foydalanishni vaqtinchalik (bloklangan) muddat mobaynida qonun hujjatlarida ularni cheklash (bloklash) uchun boshqa asoslar bo'limganda, ulardan foydalanishga qo'yilgan vaqtinchalik chekllov (bloklash) olib tashlanadi.

48. Jismoniy va yuridik shaxslarning roziligidan amalga oshirilgan pul o'tkazmalarining mezonlari Markaziy bank boshqaruvining qaroriga asosan belgilanadi.

**18-bob. EPOS-terminallaridan foydalanishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash**

49. To'lov tizimi operatorlari, to'lov tizimining ishtirokchilari hamda to'lov tashkilotlari EPOS-terminallaridan foydalanishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha quyidagilarni amalga oshirishi lozim:

to'lov agentlari va subagentlarining reyestrini yuritishi, shuningdek, to'lov agentlari yoki subagentlarini ro'yxatdan o'tkazish, o'zgartirish va o'chirishda 1 ish kuni ichida Markaziy bankka o'zgartirilgan reyestrni taqdim etishi;

jismoniy shaxslar o'rtaida pul mablag'larini o'tkazishni (P2P) amalga oshirish uchun alohida EPOS-terminalidan foydalanishi, shuningdek ushbu EPOS-terminallaridan boshqa maqsadlarda foydalanishini ta'qiqlashi;

EPOS-terminallaridan shartnomada ko'rsatilgan maqsadlarda foydalanishni nazorat qilishi;

EPOS-terminallaridan, shuningdek foydalanuvchi parollari va kirish huquqlaridan foydalanishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tartibini ishlab chiqishi.

50. To'lov tizimi operatorlari va to'lov tizimining ishtirokchilari Markaziy bankning majburiy ko'rsatmasiga ko'ra, shubhali (frod) operatsiyalari amalga oshirilishini cheklash yoki to'xtatish maqsadida EPOS-terminallardan foydalanishni to'xtatish yoki ushbu terminallarni o'chirish choralarini ko'rishi lozim.

**19-bob. Yakuniy qoida**

51. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lган shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladi.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 22-apreldagi 11/2-son “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlarni qoplash uchun zaxiralalar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori.

**2024 yil 20-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2696-4.**

2. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 24-apreldagi 13/1-son “To‘lov tizimlari operatorlari va to‘lov xizmatlarini yetkazib beruvchilarning to‘lov tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta’minlash hamda raqamli texnologiyalar vositasida sodir etiladigan huquqbuzarliklarni oldini olish choralarini ko‘rish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

**2024-yil 21-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3513.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 11 июнданги 13/10-сон «Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги низомни тасдиqlash ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3268, 2020 йил 30 июнь).

**2024 йил 21 майда давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартериш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

